

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 94 (5)
001 (093.3)

ЯМИНОВ АБДУЖАББОР АБДУСАТТАРОВИЧ

**ИБН ХАЛЛИКОННИНГ «ВАФАЙЎТ АЛ-А‘ЙЎН» АСАРИДА
МОВАРОУННАЎРЛИК ВА ХУРОСОНЛИК ОЛИМЛАР**

Ихтисослик: 07.00.08 – Тарихий манбашунослик

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун та³дим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2008

Иш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида бажарилган

Илмий раҳбар: тарих фанлари доктори
Каримова Сурайё Убайдуллаевна

Расмий оппонентлар: тарих фанлари доктори, профессор
Хасанов Ахаджан Ахмеджанович

тарих фанлари номзоди
Расулов Дилшод Нигматуллаевич

Етакчи ташкилот: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳузуридаги тарих фанлари бўйича докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишга мўлжалланган Д 015.14.01 рақамли Ихтисослашган кенгашнинг 2008 йил _____ ойининг ____ куни соат _____ да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 81. Тел.: 262-54-61. E-mail: beruni@globalnet.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13-уй).

Автореферат 2008 йил _____ ойининг ____ кунида тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби



т.ф.н. Н.И.Тошов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг сиёсат ва маънавиятда юз берган муҳим ўзгаришлардан бири тарихимизга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгаришидир. Президентимиз И.А.Каримов айтганидек, «Бизнинг қадимий ва бой тарихимизни, улуғ аجدодларимиз ва улар қолдирган бекиёс маданий мерос башарият маданияти ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилганини бутун жаҳон билади»¹. Халқимизнинг ўзига хос маънавий бойлиги тарихий меросимизда ўзифодасини топганлигини эътиборга олсак, бу меросни ўрганиш, уни мартомонлама тўғри, ҳолис ёритиб бериш тадқиқотчилар ва олимлар олдида турган энг зарур вазифалардан эканлиги маълум бўлади. Бу вазифани амалга оширишни эса ўрта асрларга оид ёзма манбаларсиз тасаввур ўзлиш мумкин эмас.

IX-XIII асрлар Мовароуннавр ва Хуросон маданий маёти тарихида ўзига хос бир давр бўлиб ўлди. Бу даврда мазкур минтақалар, хусусан, Бухоро, Самарқанд, Термиз, Шош, Марв, Балх, Нишопур, Ғирот каби шаҳарларда диний ва дунёвий илмларнинг йирик мактаблари вужудга келиб, ушбу мактаб вакиллариининг шон-шуврати бутун дунёга тарқалди. «Биз уларнинг ўз даврида келажак авлодлар учун қолдирган салмоқли мероси, ижобий ишлари, керак бўлса, умумжаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларини қадрлаймиз»², «...улар биз ворис бўлиб турган бугунги тарих ва маданиятни бизга мерос қилиб қолдирдилар»³, – деган эди Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов.

XIII асрда яшаб, Шарқ, жумладан, Мовароуннавр ва Хуросон халқларидан етишиб чиққан машҳур кишиларнинг маётларига, илмий ҳамда маданий меросларига ўзисиб, улар маъида маълумотлар тўплаб, ўзининг «Вафайāt ал-а‘йāн ва анбā’ абнā’ аз-замāн»⁴ («Машҳур кишилар вафотлари ва замондошлар ҳақидаги маълумотлар») асарини ёзган араб олими Ибн Халликоннинг номи илмий жамоатчиликка маълум. Аксар молларда тарихчилар томонидан ўсиаро «Вафайāt ал-а‘йāн» деб юритиладиган ва био-библиографик асарлар сирасига кирадиган мазкур икки жилддан иборат китоб араб тилида ёзилган бўлиб, VIII-XIII асрлар тарихи бўйича муҳим манбалардан ҳисобланади. Асарда тарих, тилшунослик, фалсафа, табобат, фалакиёт, тафсир, ҳадисшунослик, фикҳ, калом каби соҳаларда ижод қилган

¹ Каримов И.А. Ватан мангу қолади // Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 1996. Ж.4. Б. 15.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. Асарлар тўплами. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Ж.7. Б. 148.

³ Каримов И.А. Ватан мангу қолади // Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар тўплами. Ж.4. Б. 15.

⁴ Илмий ишимизда араб тилидаги асарлар номини ифодалашда акад. И.Ю.Крачковский, проф. А.А.Ромаскевич тавсия этган ва Москвадаги «Наука» нашриётида чоп этилган «Памятники письменности Востока» тўпламида қабул қилинган транскрипция қоидаларига асосландик.

⁵ Илмий ишимизда учрайдиган асарларнинг таржималари улар илк бор зикр ўилинганда берилган.

Мовароуннахр ва Хуросонга мансуб олимлар ҳақида қимматли маълумотларнинг борлиги унинг чуқур тадқиқ этилиши заруратини тақозо этади. Абу Бакр ал-Ғаффол аш-Шоший, Маъмуд аз-Замахшарий каби машҳур олимлар маъида бошқа асарларда учрамайдиган маълумотлар билан бирга Уммул Муайяд Зайнаб аш-Шаърия, Абу-л-Ҳасан ал-Муайяд ан-Найсобурий сингари унча бошқа бирор манбада ҳатто номлари эйд этилмаган олимларнинг ҳам ҳаёт ва фаолиятлари ҳақида сўз юритилиши ушбу манбанинг аҳамиятини янада оширади.

«Вафайāt ал-а‘йāн»даги баъзи маълумотлар озми-кўпми олимлар тарафидан истифода этиб келинса-да, ҳозиргача у алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. «Вафайāt ал-а‘йāн» ва ундаги маълумотлар асар ёзилган даврдан бир оз ўтибók Шарқ тарихчилари эътиборини ўзига жалб этган. Абу-л-Фидонинг (ваф. 732/1331) «Китāб ал-муўтайяр фк аўбār ал-башар» («Инсоният тарихи ҳақида қисқартма») асари билан танишиб чи³³ан киши муаллифнинг «Вафайāt ал-а‘йāн»дан эанчалик истифода этганига шўид б‘лиши мумкин¹.

Абдуллоҳ ал-Ёфиъий (ваф. 768/1366-1367) асарга юқори баҳо бериб, «Унинг [Ибн Халликоннинг] «Вафайāt ал-а‘йāн» китоби шу соҳа бўйича ёзилган асарларнинг энг яхшисидир... Унинг мазкур тарихи билан танишиб чиққан киши мусаннифнинг кўпгина фазилатларига гувоҳ бўлади»², дейди.

Жамолиддин ал-Аснавий (ваф. 772/1370-1371) «Ўбаҳāt аш-шāфи‘кйа» («Шофеийлар табақалари»), Ибн Тағриберди (ваф. 874/1469) «Ан-нуджҳм аз-зāхира фк мулҳк Миўр ва-л-Ҳāхира» («Миср ва Қоҳира подшолари давридаги ёрқин юлдузлар»)³, Ибн ал-Имод (ваф. 1089/1678-1679) «Шайарāt ай-йаҳаб фк аўбār ман йаҳаб» («Вафот этиб кетганлар хабарлари ҳақидаги олтин зарралар») асарларида турли тарихий шахс ва ҳодисаларни аниқлашда «Вафайāt ал-а‘йāн»га кўп маротаба мурожаат қилганлар.

Ливанлик тарихчи Журжий Зайдон (1861-1914) асарга куйидагича баҳо беради: «Вафайāt ал-а‘йāн ва анбā’ абнā’ аз-замāн» – нақл қилиш, эшитиш ёки кўз билан кўриш орқали аниқланган тарихий қомусдир... Ибн Халликон [ўзидан кейин] шу китобдан бошқасини қолдирмади, аммо у юзлаб китобларга тенг келадиган илм, одоб, тарих ва луғат заҳирасини қолдирди. Унда [муаллиф машҳур] кишилар таржимаи ҳоллари ҳақида ўзидан аввалги

¹ Абу-л-Фидо Ибн Халликоннинг маълумотларидан к‘пинча муаллиф номини зикр қилмасдан тўғридан-тўғри, баъзида «Ибн Халликон айтади», деб унга нисбат бериб, яна баъзида эса и‘тибос эилиш орзали фойдаланган. Масалан, у Абу Исҳок Иброҳим ибн Аҳмад ибн Исҳок ал-Марвазийнинг таржимаи ҳолини «Вафайāt ал-а‘йāн»дан сўзма-сўз нақл қилган (Абу-л-Фидо. Китāб ал-муўтайяр фк аўбār ал-башар. – Миср: Ал-Хусайния, 1907. Ж.2. Б. 99. Бундан кейин: Абу-л-Фидо. Китāб ал-муўтайяр).

² Абдуллоҳ ал-Ёфиъий. Мир‘āt ал-джинāн ва ‘ибрат ал-йаўйāн («Жаннатлар кўзгуси ва уйғоқ кишилар ибрати»). – Ҳайдаробод: Дорул маориф, 1920. Ж.4. Б. 193-194 (Бундан кейин: Абдуллоҳ ал-Ёфиъий. Мир‘āt ал-джинāн).

³ Бундан кейин асар номини эиса эилиб «Ан-нуджҳм аз-зāхира» тарзида зикр эиламиз.

олимлар ёзган нарсаларнинг «қаймоғи»ни жамлади. Унга ўзи билган замондошларини қўшиб, уларни ўрганди»¹.

Ҳожи Халифа (ваф. 1067/1657)² айтади: «Асарни 930/1523-1524 йил Мисрда вафот этган Мавлоно Азҳариддин ал-Ардабилий форс тилига таржима қилган. Мен Қозизода номи билан танилган Кабир ибн Увайс ибн Муҳаммад ал-Латифийга (ваф. 930/1524) мансуб бир рисолада кўрдимки, султон Салимхон (918-926/1512-1520) тарихларни, хусусан, Ибн Халликоннинг «Вафайāt»ини ўрганишга киришганда, у [рисола муаллифи] унга асарни форс тилига таржима қилиб берган. Таржима ўртасига етганида султон вафот этади. Мазкур киши [яъни Қозизода] Азҳариддин ал-Ардабилий бўлса ажаб эмас»³. Ч.А.Стори (1888-1967) ўзининг «Форс адабиёти» асарида Ҳожи Халифанинг бу эҳтимолини тўғри эканлигини тасдиқлаб, унинг маълумотини қуйидагича тўлдиради: «[Абд ал-] Кабир ибн Увайс ибн Муҳаммад ал-Латифий, яъни Заҳир ад-Дин (тўғриси шундай, Ҳожи Халифа айтганидек Азҳариддин эмас) ал-Ардабилий ал-Ҳанафий (ваф. 930/1524) Қозизода номи билан машҳур бўлиб, Табриздан Истамбулга султон Салим I томонидан келтирилган... Унга кунига 80 дирҳам миқдорида ҳақ тўланган. Султон учун у Ибн Халликоннинг «Вафайāt ал-а‘йāн»ини таржима қилиб берган. Асарнинг биринчи ʼисми 926/1520 йил, иккинчи ʼисми 928/1521-1522 йил таржима қилиб тугатилган»⁴.

Жаҳонгир Қоим-мақомийнинг айтишича, «Нāсиу ат-тавārкү»га⁵ тегишли иккинчи китоб, саккизинчи ва тўққизинчи жилдлар Ибн Халликоннинг «Вафайāt ал-а‘йāн» асари иккинчи чораги таржимасидир»⁶.

Ибн Халликоннинг вафотидан сўнг «Вафайāt ал-а‘йāн»га олимлар томонидан зайл (илова) ва мухтасар (ʼисқартма)ларнинг битилганлиги асарнинг ўша даврдаёқ тарихчилар диққат марказида бўлганидан далолат беради. Унга Тожиддин ал-Махзумий ал-Маккий (ваф. 743/1342), Ҳасан ибн Ойбек (ваф. 743/1342-1343), Шамсиддин ат-Туркмоний (ваф. 750/1349-1350), Муҳаммад ибн Шокир ал-Кутубий, Бадриддин аз-Заркаший (ваф. 794/1391-1392), Зайниддин ал-Ироқий (ваф. 806/1403-1404) зайл ёзган бўлсалар, Шамсиддин ат-Туркмоний, ал-Малик ал-Афзал Аббос ибн ал-Малик ал-Мужоҳид Али (ваф. 778/1376-1377), Ҳасан ибн Умар ал-Ҳалабий (ваф. 779/1377-1378), Шаҳобиддин ал-Ғаззий (ваф. 822/1419-1420), Ваҳдий

¹ Журжий Зайдон. Тārкү ādāb ал-луча ал-‘арабкйā («Араб адабиёти тарихи») – Қоҳира: Дорул ҳилол, 1957. Ж.3. Б. 172 (Бундан кейин: Журжий Зайдон. Тārкү ādāb).

² Ҳожи Халифа ва XX аср тарихчиси Умар Ризо Каҳҳола асарнинг номини «Вафайāt ал-а‘йāн фк анбā’ абнā’ аз-замāн» («Замондошлар (ёки замона ўғлонлари) маълумотларида машҳур кишилар вафоти») шаклида беришган (Ҳожи Халифа. «Кашф ай-ўннн ‘ан асāmк ал-кутуб ва-л-фуннн» («Китоблар ва фанларнинг номларидаги шубҳаларнинг ечилиши»). Ж.2. Б. 638 (Бундан кейин: Ҳожи Халифа. Кашф ай-ўннн); Умар Ризо Каҳҳола. Му‘дҷам ал-му‘аллифкн («Муаллифлар қомуси»). – Дамашк: Ат-тараккий, 1957. Ж.2. Б. 59).

³ Ҳожи Халифа. Кашф ай-ўннн. Ж.2. Б. 639.

⁴ Стори Ч.А. Персидская литература. Био-библиографический обзор / Пер. с англ., перераб. и допол. Ю.Э.Брегель. – М.: Наука, 1972. Т.2. С. 1261-1262 (Бундан кейин: Стори. Персидская литература).

⁵ Ч.А.Сторининг ёзишича, «Нāсиу ат-тавārкү» Муҳаммад Такий Кошонийга (1801-1880) мансуб умумий тарихга оид асар (Стори. Персидская литература. Т.1. С. 482-484).

⁶ Шу асар. Т.1. С. 485.

Иброҳим ибн Мустафо ал-Фарадий (ваф. 1126/1714-1715) мухтасар битганлар¹.

Ч.А.Сторининг гувоҳлик беришича, «Вафайāt ал-а‘йāн»нинг бир мухтасари XIX асрда яшаб ўтган афғон олими Мунший Муҳаммад Абдулкарим ал-Алавий томонидан форс тилига таржима қилинган².

«Вафайāt ал-а‘йāн» 1859 йил «Булоқ» нашриётида (Миср), 1948 йил Муҳаммад Муҳйиддин Абдулҳамид томонидан Қоҳирада нашр қилинган. Муҳаммад Муҳйиддин асарни нашр қилибгина қолмасдан, унга фихрист ҳам тузган ва хошияда баъзи шарҳларга ўрин ажратган³.

1968 йил асарни байрутлик олим доктор Эҳсон Аббос ўрганган, фихрист тузган ва тадқиқоти билан нашр қилган, аммо унда баъзи ноаниқликлар учрайди⁴.

Ғарбда эса «Вафайāt ал-а‘йāн»ни ўрганиш XV асрнинг охирларига тўғри келади. 895/1489-1490 йил Британияда уни Юсуф ибн Усмоҳ, Оксфордда Ибн Увайс ал-Латифий форс тилига таржима қилганлар⁵. «Вафайāt ал-а‘йāн» 1835-1837 йиллари немис арабшуноси Ф.Вюстенфельд (1808-1899) томонидан Гёттингенда (Германия) 13 жилдда⁶, 1842 йил инглиз арабшунос олими Мак-Гакин У.де Слэн (1801-1878) томонидан Парижда (асарнинг факат биринчи жилди) нашр қилинган⁷ ва 1842-1871 йиллари Францияда де Слэн томонидан 4 жилдда инглиз тилига таржима қилинган⁸. 1908 йил Лейденда асарнинг баъзи қисми лотин тилидаги таржимаси билан нашр этилган⁹.

Олимлар томонидан Ибн Халликоннинг асарига шундай ишонч билдирилганки, кўп ҳолларда асар улар учун био-библиографик маълумотларни тақдим қилиш учун асосий манба вазифасини ўтаган¹⁰. Баъзи

¹ Ҳожи Халифа. Кашф ай-ўнһн. Ж.2. Б. 639. Журжий Зайдоннинг хабар беришича, «Вафайāt ал-а‘йāн»нинг дастлабки мухтасари муаллифнинг ўғли Камолиддин Мусога тегишли бўлиб, у Лондондаги «Ал-мактаб ал-ҳиндий» кутубхонасида сақланади (Журжий Зайдон. Тарқу адаб. Ж.3. Б. 173).

² Стори. Персидская литература. Т.2. С. 1230.

³ Бартольд В.В. Источники // Сочинения. – М.: Восточная литература, 1963. Т.1. С. 629.

⁴ Масалан, тадқиқотчи Ибн Халликонга «Ўаққ ал-Бууārк»дан таълим берган устозининг номини муаллиф (Ибн Халликон) ёзгани каби Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ эмас (Ибн Халликон. Вафайāt ал-а‘йāн. – Миср: Маймания, 1892. Ж.1. Б. 306; Шу асар. Ж.2. Б. 421), балки Абу Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ деб янглиш беради. Эҳсон Аббос шунингдек, Абу Исҳоқ аш-Шерозийга мансуб «Ўабауāt ал-фууаҳā»ни ҳам тадқиқ қилган бўлиб, илмий иши жараёнида «Вафайāt ал-а‘йāн»га кўп маротаба мурожаат қилган.

⁵ Журжий Зайдон. Тарқу адаб. Ж.3. Б. 173.

⁶ Ibn Challikani Vitae illustrium virorum. E pluribus codicibus manuscriptis inter se collatis nunc primum arabise edidit, variis lectionibus, indicibusque locupletissimis instruxit F. Wüstenfeld, fasc. I – XIII, Gottingae, 1835-1837.

⁷ Kitab wafayat al-aiyan. Vies des hommes illustres de l’islamisme en arabe, par Ibn Khallikan, publiées d’après les manuscrits de la Bibliothèque du Roi et d’autres Bibliothèques, par le B^{on} Mac Guckin de Slane, t. I, Paris, 1842.

⁸ كتاب وفیات الاعیان Ibn Khallican’s Biographical Dictionary, transl. from the Arabic by Mac Guckin de Slane, vol. I – IV, Paris, 1842-1871 [I-1842, II-1843, III-1848, IV-1871].

⁹ Журжий Зайдон. Тарқу адаб. Ж.3. Б. 173.

¹⁰ Масалан, И.Ю.Крачковскийнинг таъбирича, илмий арабшуносликнинг отаси ҳисобланган франциялик олим Сильвестр де Саси (1758-1838) ўзининг 1827 йилда ёзган «Араб хрестоматияси» («Chrestomathie arabe») асаридаги маълумотларни Ибн Халликонга «таяниб» берган (Крачковский И.Ю. Поэтическое творчество Абу-л-Атахи // Избранные сочинения. – М.-Л.: Академия Наук СССР, 1956. Т.2. С. 22, 66). Немис арабшунос олими О.Лот (ваф. 1881) ат-Табарий солномасидан факатгина Ибн Халликоннинг маълумотлари асосида фойдаланган (Крачковский И.Ю. Ибн ал-Му‘тазз. Биография // Избранные сочинения. – М.-Л.: Академия Наук СССР, 1960. Т.6. С. 13).

тадқиқотчилар эса «Вафайāt ал-а‘йāн»дан ўзлари бераётган маълумотларни қувватлаш учун истифода этганлар¹.

К.Броккельманнинг тадқиқотларида Ибн Халликоннинг ҳаёти, ижоди ва унинг «Вафайāt ал-а‘йāн» асари ҳақида бир қанча қимматли маълумотлар мавжуд².

«Вафайāt ал-а‘йāн»даги маълумотларни рус олимлари ҳам ўзларининг илмий ишларига жалб қилганлар. Улардан бири В.В.Бартольд бўлиб, ўзининг тадқиқотларида асарга кўп маротаба мурожаат қилган. У шахсларнинг таваллуд ва вафот саналаридан³ ташқари қабила оқсоқоллари⁴, сиёсий гуруҳлар⁵ ва арбоблар⁶, урушлар тарихи⁷, сулолаларнинг келиб чиқиши ва уларга оид бошқа маълумотларни⁸ беришда Ибн Халликоннинг сўзларига таянган. У шунингдек, баъзи шахсларнинг ҳаёт ва фаолиятлари ҳақидаги мақолаларида «Вафайāt ал-а‘йāн»ни асосий манба қилиб олганини айтган⁹.

И.Ю.Крачковский баъзида шахсларнинг ижоди билан боғлиқ¹⁰, баъзида уларга оид хронологик¹¹ маълумотларини «Вафайāt ал-а‘йāн»га асосан

¹ Швейцариялик шарқшунос олим Адам Мец (1869-1917) шулар жумласидан бўлиб, ўзининг «Мусулмон ренессанси» номли тадқиқотида Сайфуддавла Али Ининг (333-356/945-967) Ҳалабдаги сарой адиби Ибн Нубата (ваф. 374/984) ҳақидаги баъзи маълумотларни Ибн Халликоннинг асарига асосан берган (Мец А. Мусульманский ренессанс / Перевод с немецкого, предисловие, библиография и указатель Д.Е.Бертельса. – М.: Наука, 1966. С. 261).

² Brockelmann C. Geschichte der arabischen Literatur. Weimar. Verlag von Emil Felber, 1898. Bd.I. S. 326-328 (Бундан кейин: Brockelmann. GAL); Шу асар. Supplementband I. S. 561.

³ Бартольд В.В. Бармакиды // Сочинения. – М.: Наука, 1966. Т.6. С. 671; Шу муаллиф. К истории Саффаринов // Сочинения. – М.: Наука, 1971. Т.7. С. 352; Шу муаллиф. Тахир б. ал-Хусейн // Сочинения. Т.7. С. 506; Шу муаллиф. О некоторых восточных рукописях в Константинополе и Каире // Сочинения. – М.: Наука, 1973. Т.8. С. 245.

⁴ Шу муаллиф. Тахириды // Сочинения. Т.7. С. 509.

⁵ Шу муаллиф. К истории Саффаринов // Сочинения. Т.7. С. 347.

⁶ Шу муаллиф. Средняя Азия до XII века // Сочинения. Т.1. С. 279; Шу муаллиф. К истории Саффаринов // Сочинения. Т.7. С. 344.

⁷ Шу муаллиф. Средняя Азия до XII века // Сочинения. Т.1. С. 284; Шу муаллиф. К истории Саффаринов // Сочинения. Т.7. С. 340.

⁸ Шу муаллиф. Средняя Азия до XII века // Сочинения. Т.1. С. 265; Шу муаллиф. Бармакиды // Сочинения. Т.6. С. 670.

⁹ Масалан, Хуросондаги Тохирийлар сулоласининг асосчиси Тоҳир ибн ал-Ҳусайннинг таржимаи ҳолини у айнан «Вафайāt ал-а‘йāн»нинг Вюстенфельд амалга оширган нашри ва де Слэн таржимаси асосида ёзган (Бартольд В.В. Тахир б. ал-Хусейн // Сочинения. Т.7. С. 506-507).

¹⁰ Крачковский И.Ю. Шахразур в географическом словаре Якута и в записке Абу Дулафа // Избранные сочинения. – М.-Л., 1955. Т.1. С. 297; Шу муаллиф. К истории словаря ал-Халиля // Избранные сочинения. Т.1. С. 366; Шу муаллиф. Поэтическое творчество Абу-л-Атахи // Избранные сочинения. Т.2. С. 18, 21, 36; Шу муаллиф. Ал-Мутанаббӣ и Абу-л-Ала // Избранные сочинения. Т.2. С. 66, 71, 72, 114; Шу муаллиф. Об издании The Fakhir of al-Mufaddal ibn Salama // Избранные сочинения. Т.2. С. 193; Шу муаллиф. Арабская поэзия в Испании // Избранные сочинения. Т.2. С. 487; Шу муаллиф. Ранняя история повести о Маджнуне и Лейле в арабской литературе // Избранные сочинения. Т.2. С. 605; Шу муаллиф. География у арабов до первых географических произведений // Избранные сочинения. – М.-Л.: Академия Наук СССР, 1957. Т.4. С. 59; Шу муаллиф. Ибн ал-Му‘таз // Избранные сочинения. Т.6. С. 23, 27, 32, 34.

¹¹ Шу муаллиф. Поэтическое творчество Абу-л-Атахи // Избранные сочинения. Т.2. С. 20; Шу муаллиф. Об издании The Fakhir of al-Mufaddal ibn Salama // Избранные сочинения. Т.2. С. 192; Шу муаллиф. К описанию рукописей Ибн Тайфура и ас-Сули // Избранные сочинения. Т.6. С. 338.

беради. У шунингдек, машхур шахслар лақабларининг келиб чиқиш тарихи¹ ҳақидаги маълумотларни аниқлаш ва тасдиқлаш учун ҳам Ибн Халликоннинг маълумотларини восита қилади².

И.М.Фильштинский ўзининг «Араб классик адабиёти» асарида Ибн Ҳониъ ал-Андалусийнинг (ваф. 361/973) адабий салоҳиятига Ибн Халликоннинг берган баҳосини келтирса³, «Ўрта асрларда араб адабиёти»да мактуб шаклида асар ёзиш жанрининг (эпистоляр жанр) асосчиси бўлган адиб Абдулҳамид Яҳё ал-Котибнинг (ваф. 132/750) Анборда (Ироқда жойлашган) таваллуд топгани ҳақидаги хабарни у (Ибн Халликон)нинг маълумоти асосида берган⁴.

«Вафайāt ал-а‘йāн» билан қизиқиб, ундаги маълумотларни ўз тадқиқотларига жалб қилганлардан яна бири озарбайжонлик олим З.М.Бунятовдир. Олим унга нафақат тарихий шахслар ва воқеалар билан боғлиқ хабарларни беришда⁵, балки жуғрофий⁶ ва *хирож*⁷, *нат*⁸, *бадра*⁹ каби молиявий истилоҳларни изоҳлашда ҳам мурожаат қилган¹⁰.

А.В.Сагадеев «Ибн Сино» номли китобида аллома (Ибн Сино) ҳаёт-фаолиятининг ёритилишида Абу-л-Ҳасан ал-Байҳақий, Ибн ал-Қифтий, Ибн Аби Усайбиъа ва Ибн Халликонларнинг асарларидаги маълумотлар асос бўлганини таъкидлаган¹¹.

«Вафайāt ал-а‘йāн»ни ўзбекистонлик олимлар ҳам алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганмаган бўлсалар-да, унга таниқли шахсларнинг ҳаёт ва ижодлари, уларга оид хронологик маълумотларни бериш ёки тасдиқлашда тез-тез мурожаат қилганлар. У.И.Каримов ўзининг Абу Бакр ар-Розийга мансуб «Сирр ал-асрār»¹², И.Абдуллаев Абу Мансур ас-Саолибий ижоди устида олиб борган тадқиқотларида¹³, Ҳ.Ҳикматуллаев, Ш.Шоисломовлар

¹ Шу муаллиф. Неизвестная антология Ибн Маммати // Избранные сочинения. Т.2. С. 329.

² Шу муаллиф. Ибн ал-Му‘таз // Избранные сочинения. Т.6. С. 13, 21, 40, 159.

³ Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. – М.: Наука, 1965. С. 238.

⁴ Шу муаллиф. Арабская литература в средние века. – М.: Наука, 1977. С. 249.

⁵ Бунятов З. М. Азербайджан в VII – IX вв. // Избранные сочинения. – Баку. Элм, 1999. Т.1. С. 226, 272, 312, 317, 318, 321; Шу муаллиф. Работы по истории, источниковедению и исторической географии Азербайджана XI – XIII вв. // Избранные сочинения. Т.2. С. 15, 38, 43, 71, 81, 82, 94, 328-329.

⁶ Шу муаллиф. Азербайджан в VII – IX вв. // Избранные сочинения. Т.1. С. 312.

⁷ *Хирож*, *харож* (араб. – солик) – ўрта аср мусулмон давлатларида ер солиғи (Ислом. Энциклопедия. / З.Хуснидинов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. Б. 258).

⁸ *Нат* – стол япатиш, (баъзи) ўйинларни ўйнаш ва қатли ижро этиш вақтида бошни олишда ишлатиладиган, теридан қилинган дастурхон (Бунятов З. М. Азербайджан в VII – IX вв. // Избранные сочинения. Т.1. С. 326).

⁹ *Бадра* – маълум суммани, одатда 10 минг дирҳамни ташкил қилган қопдаги пул (Шу асар. Т.1. С. 330).

¹⁰ Шу асар. Т.1. С. 148.

¹¹ Сагадеев А.В. Ибн Сина. – М.: Мысль, 1980. С. 15.

¹² Каримов. У.И. Неизвестное сочинение ар-Рази «Книга тайны тайн». – Т.: АН Уз ССР, 1957. С. 16-17; Шу асар. С. 30; Шу асар. С. 27.

¹³ Абдуллаев И. Абу Мансур ас-Саолибий. – Т.: Фан, 1972. Б. 6, 8, 16; Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-дахр фи маҳосин аҳл ал-аср. Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларни тузувчи Исмадулла Абдуллаев. – Т.: Фан, 1976. Б. 7, 10, 20, 21, 35, 36, 90; Абу Мансур ас-Саолибий. Татиммат ал-йатима.

«Ёқут Ҳамавий»¹, А.Ирисов «Абу Али ибн Сино» номли рисола² ва «Ғаффолаш-Шоший» номли ма³олаларида³, Қ.Муниров, А.Ирисов, А.Носировлар «Тошкент тарихида баъзи сиймолар» номли рисолаларида⁴ Ибн Халликоннинг маълумотларидан истифода этишган.

«Вафайāt ал-а'йāн»даги маълумотларни ўзбекистонлик олимлардан яна М.Хайруллаев⁵, Б.Абдуралимов⁶, У.Уватов⁷, А.Ғабибуллаев⁸, И.Элмуродов⁹, Р.Обидов¹⁰ ҳам ўз тадқиқотларига жалб қилганлар. Б.Аҳмедов эса Ибн Халликоннинг таржимаи ҳоли ва «Вафайāt ал-а'йāн» ҳақида қисқача маълумот бериш билан бирга асарни Ўзбекистон халқлари тарихи ҳақида хабар берувчи асосий манбалар қаторида санаган¹¹.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг «Марказий Осиё халқлари тарихи, фани ва маданияти тарихига оид манбалар тадқиқи» фундаментал гранти мавзуси билан боғлиқ.

Тадқиқот мақсади. Тадқиқотнинг асосий мақсади – Ибн Халликоннинг «Вафайāt ал-а'йāн» асарини манбашунослик жиҳатидан ўрганиб, ундаги мовароуннаҳрлик ва хуросонлик олимлар маъидаги маълумотларни тадқиқ қилиш, уларни бошқа араб манбалари билан қиёслаш орқали асарнинг ишончлилиқ даражасини, тарихий манба сифатидаги аҳамиятини аниқлашдир.

Тадқиқот вазифалари. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларни тузувчи Исмаиулла Абдуллаев. – Т.: Фан, 1990. Б. 4, 9; Абдуллаев И. Ас-Саолибий ҳақида янги маълумотлар // Шарқшунослик. – Тошкент, 1990. - № 1. – Б. 29, 31-32.

¹ Ҳикматуллаев Ҳ., Шоисломов Ш. Ёқут Ҳамавий. – Т.: Фан, 1965. Б. 9, 15.

² Ирисов А. Абу Али ибн Сино. – Т.: Фан, 1980. Б. 12.

³ Шу муаллиф. Ғаффолаш-Шоший // Маънавият юлдузлари. – Т.: А.Ғодирий номидаги хал³ мероси нашриёти, 2001. Б. 85.

⁴ Муниров Қ., Ирисов А., Носиров А. Тошкент тарихида баъзи сиймолар. – Т.: Фан, 1983. Б. 18.

⁵ Хайруллаев М. М. Абу Наср Форобий. – Т.: Ўзбекистон ФА нашриёти, 1961. Б. 21; Шу муаллиф. Марказий Осиёда IX-XII асрларда илк маданий уй²ониш // Маънавият юлдузлари. Т.: А.Ғодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. Б. 10; Шу муаллиф. Абу Наср Форобий // Маънавият юлдузлари. Б. 80.

⁶ Абдуралимов Б.А. «Кашф аз-зунун» Хаджи Халифы как источник по истории точных наук Мавераннахра и Хорасана: Дисс....канд. ист.наук. – Ташкент: Институт востоковедения АН РУз, 1994. С. 31; Шу муаллиф. Бану Мусо // Шарқшунослик. – Тошкент, 2000. – № 10. – Б. 33.

⁷ Уватов У. Донолардан сабоқлар. – Т.: А.Ғодирий номидаги хал³ мероси нашриёти, 1994. Б. 32, 76; Шу муаллиф. Муслим ибн ал-Ғажжож. – Т.: А.Ғодирий номидаги хал³ мероси нашриёти, 1995. Б. 12, 18; Шу муаллиф. Аз-Замаҳшарий олами // Иймон нури. – Т.: Ёзувчи, 1996. Б. 22; Шу муаллиф. Хоразм ўрта аср араб манбаларида // Иймон нури. Б. 70. Шу муаллиф. Маъмур аз-Замаҳшарий // Маънавият юлдузлари. Б. 132.

⁸ Ғабибуллаев А. Ал-Мутарризий ва унинг «Ал-му²риб» асари // Шарқшунослик. – Тошкент, 1995. – № 6. – Б. 80.

⁹ Элмуродов И.К. Ёзут ал-Ғамавийнинг «Муъжам ал-удабо» асари X-XII асрлар Хоразм илм-фани ва адабиёти тарихини ўрганишда муҳим манба: Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: ЎЗР ФА ШИ, 2002. Б. 13, 14, 18, 19, 21, 22, 23, 25, 27, 36, 37, 39, 41, 42, 77, 88, 136.

¹⁰ Обидов Р.Ғ. Ғурун, тафсир ва муфассирлар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003. Б. 54, 55, 66, 84, 92.

¹¹ Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон хал³лари тарихи манбалари. – Т.: Фан, 1991. Б. 112.

- манба муаллифининг ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ этиш;
- «Вафайāt ал-а‘йāн» асарининг ёзилиш сабаблари, услуби, тузилиши, ўзига хос жиҳатлари ва манбаларини аниқлаш;
- «Вафайāt ал-а‘йāн» ‘з ичига олган маълумотларнинг даврий чегарасини аниқлаш;
- асардаги Мовароуннаҳр ва Хуросонга мансуб олимлар ҳақидаги маълумотларни топиб, уларни хронологик жиҳатдан тартибга солиш;
- асардаги мовароуннаҳрлик ва хуросонлик олимлар ҳақидаги маълумотларни бошқа араб манбалари билан қиёсий ўрганиш;
- Мовароуннаҳр ва Хуросондан етишиб чиққан олимларнинг илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаларини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти ‘рта асрларда яшаб, ижод этган Мовароуннаҳр ва Хуросон олимлари, **предмети** эса Ибн Халликоннинг «Вафайāt ал-а‘йāн» асарида иборат.

Тадқиқотнинг методлари. Танланган мавзунинг ўрганишда тарихийлик ва холислик каби методларга суянилади. Шунингдек, шу соҳада ишлаган республика ва хориж олимларининг ижодий тажрибаларига таяниб, ўрганилаётган асарнинг аҳамиятини кўрсатиш мақсадида уни бошқа тарихий манбалар билан таққослаш орқали унга танқидий муносабат ҳам билдириш тадқиқот учун илмий-услубий асос қилиб олинди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий манбалар. IX-XIII асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросон диёрида Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Абу Исо ат-Термизий, ал-Форобий, Ибн Сино, Абу Ҳомид ал-Ғаззолий ва аз-Замахшарий каби доғру²и дунёга танилган олимлар билан бир ‘зторда, номлари к’п мам машҳур бўлмаган, аммо ‘зларидан кейин ‘олдирган илмий асарлари билан фаннинг турли соҳаларига салмоқли ҳисса ‘шган шахслар мам етишиб чиқдилар. Улар ма‘зида маълумот XII-XIII асрларга оид био-библиографик хусусиятга эга бўлган манбаларда берилган. Абу Саъд ас-Самъонийнинг (ваф. 562/1167) «Ал-ансāб» («Насаблар»), Абу-л-Ҳасан ал-Байҳақийнинг (ваф. 565/1169-1170) «Татиммат ўивāн ал-ҳикма» («Ҳикмат жавонига қўшимча»), Ёзут ал-Ҳамавийнинг (ваф. 626/1229) «Му‘дҷам ал-удаба‘» («Адиблар лу‘ати»), Ибн ал-Қифтийнинг (ваф. 646/1248) «Иўбār ал-‘уламā’ би-аўбār ал-нукамā’» («Олимларни ҳақимлар ма‘зидаги маълумотлар билан таништириш»)¹, Ибн Аби Усайбийнинг (ваф. 668/1270) «‘Уйһн ал-анба‘ фк ўабаўāt ал-айибба‘» («Табиблар таба‘алари ма‘зида хабарлар чашмалари»)² ва Ибн Халликоннинг «Вафайāt ал-а‘йāн» асарлари шулар жумласидандир.

¹ Асар ‘ис‘ача «Тārкў ал-нукамā’» номи билан мам юритилади. Бундан кейин асар ма‘зида с’з юритилганда биз мам уни шу ном остида келтирамиз.

² Ибн Аби Усайбий. ‘Уйһн ал-анба‘ фк ўабаўāt ал-айибба‘. – Миср: Ваҳбия, 1882. Ж.2. Б. 2-20 (Бундан кейин: Ибн Аби Усайбий. ‘Уйһн ал-анба‘).

«Вафайāt ал-а‘йāн»да Мовароуннаҳр ва Хуросон олимлари, жумладан, тарихчи, тилшунос, адиб, файласуф, муфасссир, муҳаддис ва фақиҳлар ҳақида маълумотлар борлиги ҳамда мазкур олимлар ҳақида хабар берган кейинги тарихчилар кўп ҳолларда Ибн Халликонга таянганликлари «Вафайāt ал-а‘йāн»нинг чуқур тадқиқ этилиши зарурлигини кўрсатади.

Муаллиф асарда фа³ат олимлар ма³идагина эмас, балки ³айси со³ада бўлишидан ³атъий назар, таниқли шахслар т²рисидида маълумот бергани, уни «Вафайāt ал-а‘йāн» деб номлагани ҳолда, асосий ди³³атини шахсларнинг вафот саналарини ани³лашга ³аратгани, жуда маш³ур кишилар ма³ида китобларда етарли хабарлар мавжудлиги сабабли улар хусусида фа³ат ³ис³а сатрларда т¹хталгани асарнинг ю³орида номлари зикр ³илинган манбалардан баъзи фар³ли томонларига мисол бўла олади.

«Вафайāt ал-а‘йāн»да учрайдиган барча шахслар ма³идаги маълумотларни мукаммал, деб бўлмайди. Чунки, айтиб ўтганимиздек, муаллиф айрим молларда такрордан ³очиш ма³садида маш³ур шахсларнинг таржимаи молларини ³ис³а ³илган бўлса, баъзи молларда улар ма³идаги маълумотлар унинг ³ида мавжуд эмаслиги ёки камлиги мазкур молатга сабаб бўлган. Яъни муаллиф «Вафайāt ал-а‘йāн»нинг муқаддима ва хотима қисмида баён этганидек, асар унинг имкони доирасида ёзилган¹. Шундан келиб чи³иб айтиш мумкинки, баъзи шахсларнинг таржимаи моллари борасида Ибн Халликоннинг маълумотлари бош³а манбаларни т¹лдирса, баъзиларида бошқа манбалар Ибн Халликоннинг маълумотларини тўлдиради. Аммо улар орасида фа³ат «Вафайāt ал-а‘йāн»гагина хос бўлган маълумотларнинг ҳам оз эмаслигини асарни тад³и³ ³илишимиз жараёнида аниқладик.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

– диссертацияда Ибн Халликоннинг таржимаи ҳоли, илмий фаолияти ҳақидаги маълумотлар турли манбалар асосида яхлит ва имкон қадар тўлиқ шаклда берилди;

– манба муаллифининг дунёқараши, асарни ёзишдаги услуби ва таянган манбалари аниқланиб, ҳулосалар чиқарилди;

– «Вафайāt ал-а‘йāн»га киритилган мовароуннаҳрлик ва хуросонлик барча олимлар ҳамда уларнинг илмий мероси ҳақидаги маълумотлар атрофлича тадқиқ қилишга ҳаракат қилинди, мазкур маълумотларни бошқа манбалар билан қиёсий ўрганиш асосида асарнинг ишончлилик даражаси аниқланди;

– «Вафайāt ал-а‘йāн» устидаги изланишларимиз, уни бошқа манбалар билан қиёслашимиз натижасида VIII-XIII асрларга мансуб Мовароуннаҳр

¹ Ибн Халликон. Вафайāt ал-а‘йāн. Ж.1. Б. 3; Шу асар. Ж.2. Б. 421.

ҳамда Хуросон олимларининг ҳаёт ва ижодлари ҳақида маълумотлар тўпланди, уларнинг фаолиятларига оид ўзига хос жиҳатлари очиб берилди;

– «Вафайāt ал-а‘йāн»нинг ўрта асрларга оид бошқа манбалар орасида тутган ўрнига баҳо берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда ўрганилган маълумотлардан Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ўрта асрлар илм-фани, тарихи ҳамда олимларининг мазкур давр маънавий ҳаётида тутган мавкеларини ўрганишда фойдаланиш мумкин. Бу эса маънавиятимиз тарихи ва аждодларимиз илмий меросининг бугунги кунимиз учун аҳамиятини янада теранроқ англашимизга ёрдам беради. Тадқиқот натижаларидан шунингдек ўрта асрлардаги Мовароуннаҳр ва Хуросон фани, маданияти, тарихи бўйича монография, қўлланма, дарслик ҳамда маърузалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот иши натижаларини жорий қилиш юзасидан диссертант томонидан ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида бўлиб ўтган ёш олимлар илмий анжуманида (2000 йил 9 июн, 2001 йил 18 май, 2006 йил 6 апрел), ушбу институтда «Қафғол аш-Шоший буюк ҳадисшунос ва файласуф олим» мавзуида ўтказилган Республика илмий анжуманида (2003 йил 12 сентябр) маърузалар қилинган.

Диссертациянинг қуйидаги муҳим натижаларини алоҳида қайд этиш мумкин:

1. А.Яминов «Вафайāt ал-а‘йāн» маълумотлари асосида «Марказий Осиё халқларининг фани, диний-маърифий ва ижтимоий фикрларини тадқиқ этишда қўлёзма мероснинг роли» гранти доирасида «Марказий Осиё олимлари ўрта аср араб манбаларида» номли тўпламга материаллар тақдим қилди.

2. А.Яминов Ибн Халликон маълумотларига асосан Марказий Осиёдан етишиб чиққан олимлар ҳақида «Ўзбекистон тарихи хрестоматияси»нинг II жилдига таржима материаллари тақдим этди.

3. А.Яминов мазкур манбадаги маълумотларни бошқа араб манбалари билан қиёслагани ҳолда «IX-XIII асрларда Марказий Осиёда ислом илмлари ва машҳур алломалар» номли тўпламга тадқиқот материаллари берди.

Булардан ташқари А.Яминовнинг диссертация ишидан манбашунослик ҳамда Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг илмий меросига бағишланган тадқиқотларда, шунингдек, фанлар тарихи бўйича ўқув-услубий қўлланмалар, маърузалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (17.12.2007), Тошкент давлат шарқшунослик институти (25.05.2008) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети (17.06.2008) илмий семинар йиғилишларида муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 6 та илмий мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 191 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилиш даражаси, маъсад ва вазифалари, методлари, илмий янгилиги, назарий ҳамда амалий аҳамияти, мавзу юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида маълумот берилган.

«Ибн Халликон ва унинг «Вафайāt ал-а‘йāн» асари» номли биринчи боб икки параграфдан иборат. Бу бобнинг биринчи параграфи «Ибн Халликоннинг маъти ва фаолияти» деб номланган бўлиб, унда машҳур фақиҳ, тарихчи, шокир, адиб, шоир бўлмиш Шамсиддин Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Абу Бакр ибн Халликон ибн Бовал ибн Абдуллоҳ ибн Шокил ибн ал-Хусайн ибн Молик ибн Жаъфар ибн Яҳё ибн Халид ибн Бармак ал-Бармакий ал-Ирбилий аш-Шофеийнинг ҳаёти ва фаолияти манбалар асосида ёритилди.

Ибн Халликон 608 йил 11 рабиу-с-соний/1211 йил 28 сентябр куни Ирбил¹ шаҳрида, Бармакийларга мансуб, зиёли оилада дунёга келган².

Ибн Халликон билим олишни отасининг ноиби ва шогирди Камолиддин ибн Юнусда (ваф. 639/1242) бошлаган³. Абдулаввал ас-Сижзийнинг (ваф. 553/1158-1159) таржимаи ҳолида у 621/1224 йил Ирбилда шайх Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳдан (ваф. 621/1224) «Ўаққ ал-Бухārк»ни ҳам эшитиб, ўзлаштирганлигини айтиб ўтади⁴. Унинг 626 йил рамазоннинг охири/1229 йил август ойининг охирида Ирбилдан чиқиб, йил охирида Ҳалабга кириб борганлигини Исо ибн Санжарнинг (ваф. 632/1235) таржимаи ҳолида учратамиз. Тожиддин ас-Субкий (ваф. 771/1370) ва Жамоллиддин ал-Асनावий унинг Ҳалабга боришидан олдин Мосулда ҳам бир муддат турганлигини айтишиб, у ерда дастлабки устози Камолиддин ибн Юнусдан дарс олганини ёзадилар⁵. Унинг Мосулда тарихчи Ибн Асир (ваф.

¹ Ирбил – Ироқда, Мосулдан шарқроқдаги катта шаҳар (Ибн Халликон. Вафайāt ал-а‘йāн. Ж.1. Б. 60).

² «Вафайāt ал-а‘йāн»да замонасининг машҳур олимаси Умм ал-Муайяд Зайнаб аш-Шаърия ан-Найсобуриянинг таржимаи ҳоли баёнида Ибн Халликон ўзининг мазкур санада, пайшанба куни, аср намозидан кейин султон Музаффариддин ибн Зайниддиннинг «Музаффария» мадрасасида туғилганлигини зикр этган (Шу асар. Ж.1. Б. 198).

³ Шу асар. Ж.1. Б. 32.

⁴ Шу асар. Ж.1. Б. 306.

⁵ Тожиддин ас-Субкий. Ўбаъāt аш-шāфи‘кйа ал-кубрā («Шофеийларнинг катта табакалари»). – Миср: Ал-Хусайния, 1906. Ж.5. Б. 14; Жамоллиддин ал-Асनावий. Ўбаъāt аш-шāфи‘кйа. – Бағдод: Ал-иршод, 1970. Ж.1. Б. 497.

630/1232-1233) билан танишганлиги¹ ҳам шу даврга тўғри келади. Бу маълумотни В.В.Бартольд ҳам тасдиқлайди².

Ибн Халликон Ҳалабда Ибн Яъиш (ваф. 643/1245) ҳузурига бориб Абу-л-Фатҳ ибн Жинний ан-Нахвийнинг (ваф. 392/1001-1002) «Китāб ал-лума‘» («Жилолар китоби») асари асосида дарс олади. Бу маълумотни Ибн Халликон Ибн Яъишнинг таржимаи ҳолида келтирган бўлиб, уни бошқа тарихчиларнинг асарларида учратмаймиз³. Ибн Халликон у ерда шунингдек, Ҳалаб қозиси Ибн Шаддод (ваф. 632/1234-1235) ҳузурида фикҳ илмини ўрганади. Ибн Шаддоднинг вафотидан сўнг у билимини Дамашқда, Ибн Салоҳ (ваф. 643/1245) ҳузурида давом эттиради. Ибн Халликон 632 йил шавволнинг аввали/1235 йил июн ойининг охирларида Дамашқ^{3а} бориб, Ибн Салоҳнинг ҳузурида бир ярим йил мобайнида илм олганини унинг таржимаи ҳолида зикр қилган⁴. Журжий Зайдон эса унинг Дамашқда риҷрий 633 йилдан бошлаб истиқомат қилганини айтиб, бу борада бир йилга янглишган⁵. 637/1239-1240 йилдан бошлаб Мисрда истиқомат қилганлиги ҳақида унинг ўзи Аҳмад ибн Қаҳтон ал-Ирбилийнинг (ваф. 631/1233-1234) таржимаи ҳоли баёнида маълумот берган⁶.

Ал-Ёфиъий ва Ибн ал-Имод бошқа тарихчилардан фарқли ўлароқ Ибн Халликоннинг муҳаддис олим Абу-л-Ҳасан ал-Муайяд ат-Тусийдан (ваф. 617/1220) ҳам ижоза олганлигини айтишган⁷. Бу ҳақда Ибн Халликоннинг ўзи ҳам муҳаддиснинг таржимаи ҳоли баёнида хабар беради⁸.

646/1248-1249 йил Ибн Халликон Мисрда бош қози – «қози ал-қузот» бўлмиш Бадриддин Юсуф ибн Ҳасаннинг ноиб этиб тайинланади. Қози Синжар номи билан танилган бу шахс ушбу лавозимни 659/1261 йилгача бошқаради. Шу йил мамлук султон Абу-л-Фатҳ Байбарс (658-676/1260-1277) уни Дамашқда бош қози бўлиб ишлашга таклиф этади. Ибн Халликон бу таклифни қабул қилади⁹. Бошқа тарихчилардан фарқли равишда ас-Субкий ва ал-Аснавий унинг Дамашқ бош қозиси бўлишидан аввал Миср шаҳарларидан бўлган Маҳалла (ал-кубра)да ҳам қозилик қилганини ёзишган¹⁰. Бу (Дамашқдаги) лавозимда Ибн Халликон 669/1271 йилгача

¹ Ибн Халликоннинг Ибн ал-Асир билан нафақат таниш бўлгани, балки уни ўзининг устозларидан бири эканлиги ҳақидаги маълумотни Ибн Синонинг таржимаи ҳоли баёнида кўришимиз мумкин (Ибн Халликон. Вафайāt ал-а‘йāн. Ж.1. Б. 154).

² Бартольд В.В. Главные труды на арабском языке по истории ислама и его культуры // Сочинения. Т.6. С. 265.

³ Ибн Халликон. Вафайāt ал-а‘йāн. Ж.2. Б. 342.

⁴ Шу асар. Ж.1. Б. 312.

⁵ Журжий Зайдон. Тārкū ādāb. Ж.3. Б. 172.

⁶ Ибн Халликон. Вафайāt ал-а‘йāн. Ж.1. Б. 60.

⁷ Абдуллоҳ ал-Ёфиъий. Мир‘āt ал-джинāн. Ж.4. Б. 193; Ибн ал-Имод. Шайārāt ай-йахаб. Ж.7. Б. 647-648.

⁸ Ибн Халликон. Вафайāt ал-а‘йāн. Ж.2. Б. 144.

⁹ Шу асар. Ж.2. Б. 420.

¹⁰ Тожиддин ас-Субкий. Ўбауāt аш-шāфи‘кйа ал-кубрā. Ж.5. Б. 14; Жамолиддин ал-Аснавий. Ўбауāt аш-шāфи‘кйа. Ж.1. Б. 497.

фаолият олиб боради, с'нг эса Қоҳирадаги Фахрия мадрасасида мударрислик қилади¹.

676/1277 йил Байбарснинг вафотидан сўнг Ибн Халликон яна Суриянинг бош қозиси этиб тайинланади ва 677/1278 йил Дамашқда юксак эҳтиром билан кутиб олинади. Мамлук султон ал-Мансур Сайфиддин Қалавун (678-689/1280-1290) тахтга ўтирганида, Дамашқ волийси Сунқур ал-Ашқар бош кўтариб, муваффақиятсизликка учрайди. 679 йилнинг сафар ойи/1280 йилнинг июнида Қалавуннинг одамлари Дамашққа кирадилар ва умумий афв эълон қилинади. Аммо Ибн Халликон Сунқурнинг бош кўтаришида фатво² берганликда гумон қилиниб, ҳибсга олинади. Уч ҳафтадан сўнг у озод бўлади ва бевосита султоннинг буйруғи билан яна ўз лавозимида тикланади, аммо бу лавозимда узоқ ишламайди.

У бутун умри мобайнида бир неча мадрасаларни идора қилган бўлса³, ҳаётининг сўнгги давларида ихтиёрида фақат Аминия ва ўғли Камолиддин Мусо бошқарувидаги Нажибия мадрасасида мударрислик фаолияти қолган эди. Хуллас, у умрининг энг охирги лаҳзаларида ҳам илм билан машғул бўлади ва 681 йил 26 ражаб/1282 йил 5 ноябр, шанба куни, кечга яқин, 73 ёшида, Дамашқдаги Нажибия мадрасасида вафот этиб, эртаси куни Қосиюн⁴ этагига дафн этилади⁵.

Ал-Ёфиъий унинг билимдон, фикри тиниқ, ҳуқуқий масалалар ва унга оид қарорларида ҳолису одил, иқтидорли, зийрак, жиддий, ўз қўл остидагиларни бошқара оладиган, суҳбати ёқимли, сўзи ширин, шеърни чуқур идрок қиладиган, хулқи гўзал, тарихни яхши биладиган инсон бўлганлиги, қози сифатида ҳам у каби инсонлар ҳаётда камдан-кам учрашини ёзган⁶.

Шамсиддин аз-Заҳабий «Ал-а'лām би-вафайāt ал-а'лām» («Даҳолар вафотлари ҳақида маълумотлар») асарида 681/1282 йил вафот этган машҳур шахслар рўйхатини Ибн Халликоннинг номидан бошлаб санаб ўтган⁷.

Ал-Аснавий Ибн Халликоннинг таржимаи ҳолини унинг икки амакиси – фақиҳ, мударрис Умар ибн Иброҳим ибн Абу Бакр ибн Халликон (ваф. 609/1213), имом, фақиҳ, муҳаддис Абу Яҳё ал-Хусайн (ваф. 623/1226-1227) ҳамда фақиҳ, мударрис бўлмиш отаси Муҳаммад ибн Иброҳимлардан кейин

¹ Ибн Халликон. Вафайāt ал-а'йāн. Ж.2. Б. 420.

² Фатво (араб. – муқм, қарор) – исломда муфтий ёки уламолар кенгаши томонидан диний, муқуқий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларда бериладиган қарор, муқм ёки изоф (Ислом. Энциклопедия. Б. 245).

³ Журжий Зайдон Ибн Халликоннинг Суриядаги Аминия (Журжий Зайдон. Тарқу а'дāб. Ж.3. Б. 172), Ибн ал-Имоднинг «Шайарāt ай-йаҳаб» асари устида олиб борган тад'и'отини 1986 йил тугатган дамашқлик Абу Абдулқодир Маҳмуд ал-Арнаут эса Одилия, Носирия, Узровия, Фалакия, Рукния, Иқболия ва Баҳнасия мадрасаларида ҳам мударрислик қилганини хабар қилганлар (Ибн ал-Имод. Шайарāt ай-йаҳаб. Ж.1. Б. 57).

⁴ Қосиюн – Дамашқда жойлашган тоғнинг номи бўлиб, у ерда солиҳ кишиларнинг қабрлари мавжуд (Ё'зут ал-Ўмавий. Му'джем ал-булдан. – Миср: Ас-саода, 1906. Ж.7. Б. 11-12).

⁵ Ибн Халликон. Вафайāt ал-а'йāн. Ж.2. Б. 420.

⁶ Абдуллоҳ ал-Ёфиъий. Мир'āt ал-джинāн. Ж.4. Б. 193.

⁷ Шамсиддин аз-Заҳабий. Ал-а'лām би-вафайāt ал-а'лām. – Байрут: Дорул фикр, 1991. Б. 284.

баён қилиб, «кўриб турганингиздек у [Ибн Халликон] обрў-эътиборли оилалардандир»¹, дейди.

Ибн Тағриберди Ибн Халликоннинг таржимаи ҳолини баён қиларкан, кўпроқ унинг Мисрдаги фаолияти ҳақида сўз юритиб, уни мадҳ этиб ёзган шоирларнинг қасидаларидан қисқа парчалар келтиради. Аммо Ибн Халликоннинг Миср бош қозиси Бадриддин Юсуф ибн Ҳасаннинг ноиби этиб тайинланганини аксар манбаларда маълумот берилгани каби², унинг қозилик фаолияти бошланишида эмас, балки Шомдаги «қози ал-қузот» лавозимидан биринчи маротаба кетганидан кейин содир бўлган, деб янглиш кўрсатади³. Туғилган оии борасида эса Ибн Халликоннинг ўзи маълумот берганидек, рабиу-с-сонийнинг ўн биринчисида⁴ эмас, «жумоду-л-охирнинг ўн биринчи куни таваллуд топган»⁵, деб хатога йўл қўяди.

Ибн ал-Имод Ибн Халликоннинг ҳаёти ҳақида маълумот бериб, унга мансуб шеърлардан парчалар келтиради. У Ибн Халликондан кейин яшаган бир шоирнинг (исми зикр этилмаган) унга атаб айтган куйидаги байтини ҳам келтирган: «Вафот этиб кетганлар ҳақида ёзишга умрингни сарфладинг, энди эса ўзинг ҳам уларнинг қаторида ёзилиб турибсан»⁶. Муаллиф «Халликон» сўзининг маъносига эътибор қаратаркан, бу хусусдаги бошқа олимларнинг куйидаги сўзларини келтиради: «Ибн Шухба айтади: «Ал-Аснавий «Халликон Ирбил вилоятида жойлашган қишлоқлардан бири», деб хато айтган. У [Халликон сўзи] унинг аجدодларидан баъзисининг исмидир»⁷. Аммо Жамолиддин ал-Аснавийнинг «Ўбаҳўт аш-шўфи'кўа» асари устида ўзининг илмий изланишларини 1970 йил якунлаган бағдодлик Абдуллоҳ ал-Жубурий Жамолиддин ал-Аснавийнинг фикрини қувватлаб, Ибн Халликоннинг номи мансуб бўлган Халликон қишлоғи ҳозир ҳам борлиги, унинг жойлашган ери ва бу маълумотни олган манбасига ҳам ишора қилади⁸. Ибн ал-Имоднинг асари тадқиқотчиси Маҳмуд ал-Арнаут Абдуллоҳ ал-Жубурийнинг маълумотларини иқтибос қилиб, ўзи унинг қарашларига мувофиқ келадиган ушбу сўзларини ҳам қўшиб қўяди: «Мен бу ҳақда қурд тилини мукаммал ва форс тилини яхши биладиган адиб дўстим доктор Холид Қутруш ал-Қурдийдан сўраганимда, у айтди: «Уни ҳозирда Ироқнинг шимолида жойлашган Халкон⁹ қишлоғига мансублиги учун Ибн Халкон

¹ Жамолиддин ал-Аснавий. Ўбаҳўт аш-шўфи'кўа. Ж.1. Б. 497.

² Ибн Халликон. Вафайўт ал-а'йўн. Ж.2. Б. 420; Абдуллоҳ ал-Ёфиъий. Мир'ўт ал-джинўн. Ж.4. Б. 193; Тожиддин ас-Субкий. Ўбаҳўт аш-шўфи'кўа ал-кубрў. Ж.5. Б. 14; Жамолиддин ал-Аснавий. Ўбаҳўт аш-шўфи'кўа. Ж.1. Б. 497; Ибн ал-Имод. Шайарўт ай-ўаҳаб. Ж.7. Б. 648.

³ Ибн Тағриберди. Ан-нуджўм аз-зўҳира. Ж.3. Б. 57.

⁴ Ибн Халликон. Вафайўт ал-а'йўн. Ж.1. Б. 198; Ўша асар. Ж.2. Б. 421; Абу-л-Фидо. Китўб ал-муўтаўар. Ж.4. Б. 16.

⁵ Ибн Тағриберди. Ан-нуджўм аз-зўҳира. Ж.3. Б. 57.

⁶ Ибн ал-Имод. Шайарўт ай-ўаҳаб. Ж.7. Б. 648.

⁷ Шу асар. Ж.7. Б. 650.

⁸ Жамолиддин ал-Аснавий. Ўбаҳўт аш-шўфи'кўа. Ж.1. Б. 495.

⁹ Олим ушбу сўзнинг Халликон эмас, балки Халкон деб ўқилишини тўғри ҳисоблайди.

дейдилар. Уни Ибн Халкон дейиш тўғридир». Яна шундай дейилади: Ундан бир киши насаби ҳақида сўраганида, «ўалли кән» – «ўтган (лар)ни холи қўй», яъни кишининг ўзи ҳақида сўра, унинг ота-боболарини қўй, деган маънода жавоб берган»¹.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи **«Вафайāt ал-а‘йāн»нинг манбашунослик жиҳатдан ўрганилиши ва тадқиқотларга жалб этилиши»** деб номланган. Ибн Халликоннинг «Вафайāt ал-а‘йāн» асаридаги маълумотлар дастлаб Шар³ олимлари ди³³атини ўзига жалб этган бўлиб, Абу-л-Фидо, Шамсиддин аз-Зарабий, Абдуллоҳ ал-Ёфий, Тожиддин ас-Субкий, Жамолиддин ал-Аснавий, Ибн Та²риберди, Ўжи Халифа, Ибн ал-Имод каби тарихчилар ўз асарларини ёзишда унга мурожаат этганлар ва ю³ори баҳо берганлар. Булардан ташқари, баъзи олимлар унга зайл ва мухтасар ёзган бўлсалар, яна баъзилар асардан бош³а тилда сўзлашувчи хал³лар ҳам баъраманд бўлишлари учун уни таржима қилишга киришганлар. «Вафайāt ал-а‘йāн» қарбда ҳам ўрганилиб, таржима қилинган ва нашр этилган. Бу борада инглиз, немис ва француз олимларининг фаолиятлари ди³³атга сазовордир. Ов^рполик яна баъзи тад³и³отчилар ундан ўз асарларини ёзишда бевосита фойдаланган бўлсалар, бош³алар ўзлари бераётган бирор бир маълумотни қувватлаш учун унга мурожаат этганлар. «Вафайāt ал-а‘йāн» муста³ил манба сифатида рус ва ўзбек олимлари томонидан махсус ўрганилмаган бўлса-да, асардаги маълумотлар уларнинг ҳам эътиборларидан четда қолмаган².

Ушбу бўлим юзасидан қуйидаги умумий хулосаларга келдик:

Тад³и³отнинг ушбу бобида Ибн Халликоннинг ту²илиб ўсган юрти, оиласи, устозлари, маёти ва фаолиятига доир маълумотлар баъзи ўринларда ўзининг сўзларига, айрим жолларда эса бош³а манбаларга асосланган жолда тад³и³ этилди. Умм ал-Муайяд Зайнаб аш-Шаърия, Абу-л-Фазл Армад ибн Камолиддин ал-Ирбилий, Абдулаввал ас-Сижзий, Ўсомиддин Исо ибн Санжар ал-Ўжирий, Ибн Яъиш, Армад ибн Ёлтон ал-Ирбилий каби шахсларнинг таржимаи жолларида Ибн Халликон ўзининг маёти ва фаолияти билан бо²ли³ айрим маълумотларни бериб ўтганки, бу маълумотлар унинг шахсини ифода этувчи бирламчи манба вазифасини ўтайди. Шу пайтгача Ибн Халликоннинг номи илмий ма³олаларда фа³ат тарихчи олим сифатида зикр қилинган бўлса, тад³и³отимизда унинг мударрис, фа³и³, қози, адиб ва шоир ҳам бўлганлиги ёритиб берилди.

Ибн Халликоннинг машҳур шахслар маётига қизиқиши муаллифнинг улар ма³идаги маълумотларни тўплаб, асар ёзганлиги билангина чекланмаган. Унинг фа³ат тарихчигина эмас, адиб, шоир, фа³и³ ва қози ҳам бўлганини эътиборга олсак, дунёдан ўтиб кетган тани³ли шахсларга қизиқишгина қолмасдан, балки улар билан «бирга яшагани»ни, уларнинг ижодлари ўзлари

¹ Ибн ал-Имод. Шайрāt ай-йаҳаб. Ж.7. Б. 650.

² Мавзунинг ўрганилганлик даражаси ҳақида сўз юритилганда мазкур маълумотлар батафсил берилди.

билан 'тиб кетмасдан, маълум маънода Ибн Халликоннинг маётида ҳам акс этганини к'рамиз.

«Вафайāt ал-а'йāн» асарининг Шар³, Овр'по, соби³ Иттифо³ республикалари ва Ўзбекистонлик олимлар томонидан ўрганилганлиги, ундаги маълумотларнинг тад'и³отларга жалб этилганлиги манбанинг анчалик катта аҳамиятга эга эканлигидан дарак беради. Асар ҳақидаги дастлабки маълумотлар аввало Шарқда, ёзилган даврдан бир оз ўтибоқ муаллифлар эътиборини тортган бўлса, ҳозиргача тадқиқотларда унга мурожаат қилинади. Қайсидир олим ундаги маълумотлардан фойдаланган бўлса, бошқалари асарни таржима қилишга муваффақ бўлган. Асарга зайл ва мухтасар битган олимларни ҳам эслаб ўтдик. Бироқ, юқорида номлари ёдга олинган ишларнинг барчасида ҳам «Вафайāt ал-а'йāн»даги маълумотлардан изчил фойдаланилган ва асар тўла ўрганилган, деб бўлмайди.

Иккинчи боб – **«Вафайāt ал-а'йāн» асарининг мазмуни ва манбалари** маънасида бўлиб, биринчи параграф **«Вафайāt ал-а'йāн»нинг тузилиши ва ўзига хос жиҳатлари** деб номланган. Асар 846 шахсга оид таржимаи ҳолни ўз ичига олган¹. Унда фаннинг тарих, тилшунослик, адабиёт, фалсафа, табобат, фалакиёт, тафсир, ҳадисшунослик, фикҳ, калом каби соҳаларида ижод қилган олимлар билан бир қаторда кўпгина шоирлар ва давлат арбоблари, умуман, халқ орасида обрў-шухрати бор кишиларнинг насл-насаблари, ҳаётлари, ижодлари, уларнинг нодир фазилатлари ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Бироқ улар орасида пайғамбар, саҳобалар² ёки тобеъинлар³ зикрини учратмаймиз. Бунга сабаб, муаллифнинг ўзи асар муқаддимасида баён этганидек, улар ҳақидаги хабарларнинг китобларда етарли эканлиги ва у маълумотларни такрорлашга эҳтиёж йўқлигидир. Асарда улардан машҳур бўлмаганликлари туфайли бошқа китобларда деярли учрамайдиганларининг ҳақларида сўз бориши бундан мустасно⁴. Аммо биз муаллифнинг тобеъинлардан кейинги асрларда яшаган баъзи машҳур олимларнинг таржимаи ҳолларини ҳам қисқа қилганлиги ҳақида икки хил мулоҳазанинг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Биринчиси, Ҳожи Халифа «Кашф ай-юнһн»да ёзганидек, «баъзи тарихчилар уни [Ибн Халликонни] кибор уламоларнинг таржимаи ҳолларини қисқа сатрларда келтириб, айрим шоир ва адибларнинг таржимаи ҳолларига бир неча варақлаб жой ажратганлигини танқид қилганлар. Муаллифнинг бундай йўл тутишига сабаб, балки «қуёшнинг ҳеч кимга махфий эмаслиги ва

¹ Китобга мурожаат қилувчиларга қулай бўлиши учун шахсларнинг таржимаи ҳоллари уларнинг исмлари эътибори билан алифбо тартибида жойлаштирилган. Бу ўринда гарчи, кейинги даврда яшаган шахслар аввалроқ ёки аввал яшаган машҳур кишилар ҳақида кейинроқ маълумот берилса-да, муаллифнинг фикрича, бу услуб китобдан фойдаланувчилар учун енгиллик туғдиради (Ибн Халликон. Вафайāt ал-а'йāн. Ж.1. Б. 2).

² Саҳобалар – Муҳаммад пайғамбарнинг сафдошлари (Ислом. Энциклопедия. Б. 210).

³ Тобеъинлар (араб. – қарам, издош) – ислом тарихида саҳобалардан кейин уларнинг ишини давом эттирган илоҳиётчилар қатлами (Ислом. Энциклопедия. Б. 235).

⁴ Ибн Халликон. Вафайāt ал-а'йāн. Ж.1. Б. 2.

анави шоирнинг эса у ҳақда кўпроқ маълумот берилиб, уни таништиришга эҳтиёжнинг кўплиги бўлса керак»¹.

Иккинчиси эса, Ибн Халликон ўзи эътироф этганидек, асар унинг имконият доирасидан келиб чиқиб, унда бор маълумотлар асосида ёзилганлигидир.

Демак, бу ҳақда шундай хулоса қилишимиз мумкинки, машҳур бир олим ҳақида баъзида қисқа маълумот берган ёки умуман маълумот бермаган муаллиф ё унинг шуҳрати етарли бўлгани туфайли, ёхуд ўзида у ҳақда 3-шумча ёки умуман маълумот йўқлиги сабабли шундай қилган.

Асарнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, муаллиф шахсларнинг насаблари, таваллуд ва вафот саналари хусусдаги ихтилофли мулоҳазаларни ҳам бериб, уларнинг тўғриси асослаб берган. Агар таржимаи ҳоли берилаётган шахсга алоқадор бошқа ном Ибн Халликоннинг назарида ўқувчига нотанишлиги эҳтимоли бўлса, у ҳақда, у билан боғлиқ тарихий воқеа ҳақида (агар содир бўлган бўлса) озми-кўпми маълумот беришни лозим деб билган².

Асарни тадқиқ қилар эканмиз, ундаги таниқли шахсларнинг қандай оиладан эканликлари, уларнинг туғилган ҳамда вафот этган саналари, қаерда ва кимдан билим олганликлари, устозларию шогирдлари ҳамда асарлари ҳақидаги маълумотларнинг маълум тартиб асосида берилмаганига гувоҳ бўлдик³. Масалан, бир олимнинг асарлари ҳақидаги маълумот унинг таржимаи ҳоли аввалида берилса, бошқасиники ўртасида ёки охирида келади. Фикримизча, Ибн Халликон таржимаи ҳоли зикр қилинаётган шахснинг қайси жиҳати унинг назарида эътиборга лойиқ ва муҳимроқ бўлса, ўшани аввалроқ, бошқаларини эса ундан кейин берган. Мабодо маълумот

¹ Ўжи Халифа. Кашф ай-юнһн. Ж.2. Б. 638.

² Масалан, Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Амидий ас-Самарқандийнинг таржимаи ҳолида муаллиф унинг «Ал-иршад» («Тўғри йўлга йўллаш») асари ҳақида маълумот бераркан, унга шарҳ ёзган олимлар каторида Манбиж (Суриядаги шаҳар) қозиси Авҳадиддин ад-Дувнийни зикр қилади ва таржимаи ҳолнинг охирида у ҳақда қуйидагича ёзади: «Авҳадиддин 586/1190-1191 йил таваллуд топган ва мўғуллар Ҳалаб қалъасини қўлга олганларидан кейин Ҳалабда вафот этган. Қалъа мўғуллар шаҳарни олганларидан йигирма тўққиз кун кейин қўлга киритилган. Бу воқеа 658 йил 10 сафар/1260 йил 1 феврал кунига тўғри келади» (Ибн Халликон. Вафайāt ал-а'йāн. Ж.1. Б. 477).

³ Бироқ кам учрайдиган нисбалар, лақаблар, исмлар, маконларнинг «ҳаракат»лари, яъни қандай ўқилиши кераклигига ишора қилган муаллиф уларни аксар ҳолларда таржимаи ҳолнинг охирида айтиб ўтади. Масалан, ас-Саълабий, ал-Азъарий, ал-Б'зжоний каби нисбаларга, ал-Фарро, Ахфаш, ал-Ўким каби номларга нима сабабдан улар бундай аталганликларини тушунтириб, матнда учрайдиган шаҳар, кишлок, маҳалла ва бошқа жой номларининг маънолари, қаерда жойлашганлиги, агар улар араб тилидан бошқа тилга мансуб бўлса уларнинг қандай маъно касб этиши ҳақида ўқувчига маълумот беради. Мабодо улар ҳақида маълумот топа олмаган бўлса, уни ҳам очиқ тан олади. Масалан, самарқандлик фақиҳ Абу Ҳомид ал-Амидийнинг таржимаи ҳолида унинг нима учун бундай нисба билан аталгани сабабини била олмаганини, нисбалар бўйича мутахассис олим Абу Саъд ас-Самъоний ҳам бу борада ҳеч нарса демаганини зикр қилади (Шу ерда).

берилаётган инсоннинг у (Ибн Халликон) билишга муваффақ бўлолмаган жиҳати бўлса, уни ҳам айтиб кетган¹.

Муаллиф фикҳда ҳам ўзига хос салоҳият соҳиби бўлгани ҳақида унинг таржимаи ҳолида айтиб ўтдик. Фақиҳларнинг баъзи қарашлари ҳақида маълумот бераркан, мабодо унга рози бўлмаса, унга бошқа фақиҳнинг ёки фақиҳ сифатида ўзининг муносабатини билдиради². Яна бир жиҳат: Муаллиф агар бирор шахснинг таржимаи ҳолини ёзиб бўлган бўлсаю, у ма³да кейинро³ шимча маълумот учраса, у маълумот мазкур шахснинг 3айси жиҳатига тегишли бўлишидан 3атъий назар, таржимаи ҳолининг охиридан жой олган³.

Агар бир шахс ҳақида маълумот берилаётган бўлса-ку, маълум вақт ўтганидан кейин у маълумот бошқа шахсга тегишли бўлиб чиқса, муаллиф аввалги янглиш маълумотни ўзгартирмаган ва уни бош3а ерда ёки ўрни келганда зикр қилиб кетган, холос. Аввалги шахснинг таржимаи ҳоли ўз ҳолича қолаверган. Масалан, Ибн Халликон Абу-л-Фатҳ Саҳл ал-Арғиёнийнинг таржимаи ҳолида «Ал-фатāвā» номли асарни даставвал унга мансуб деб айтган⁴. Кейинроқ эса асар Абу Наср Муҳаммад ал-Арғиёнийга тегишли бўлиб чиққан. Аммо буни Абу Наср Муҳаммад ал-Арғиёнийнинг таржимаи ҳоли мобайнида асарнинг Абул-Фатҳ ёки Абу Насрга мансуб эканлигида ани³ 3арорга келолмаётганлигини айтиб, «Аллоҳ [ҳаммадан кўра] билгувчи», деб 3ўйган. Таржимаи ҳоли охирига бориб эса «Ал-фатāвā»ни Абул-Фатҳга мансуб деб билиб янглишганини, асарни топиб, у билан танишиб чиққандагина унинг Абу Наср Муҳаммад ал-Арғиёнийга тегишли экани маълум бўлганини хабар қилган⁵. Абул-Фатҳнинг таржимаи ҳолидаги англашилмовчилик эса ўз ҳолича қолаверган. Мазкур ҳолатдан шундай хулоса 3илиш мумкинки, демак, Ибн Халликон бирор маълумотнинг т2ри ёки нот2рилигига шубҳа қилган бўлса, унга шароит бўлганида 3ўшимча 3илиш учун маълум жой ажратиб 3олдирган, аммо маълумот ёзилаётган ва3тда уни т2ри деб билган бўлса (гарчи у янглиш бўлса-да) уни ўзгартириш одати бўлмаган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида «**Вафайāt ал-а‘йāн**»нинг **манбалари** ма3ида с3з боради. Ибн Халликонни кўпроқ тарихий маълумотлар, тарихга оид асарлар, айниқса, қайси соҳада бўлишидан қатъий назар машҳур кишиларнинг ҳаёт ва фаолиятлари кизиқтирарди. Шунинг учун

¹ Масалан, Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Мунзирнинг таржимаи ҳоли билан танишар эканмиз, Ибн Халликоннинг «унинг фикҳни кимдан ўрганганлигини билмайман», деган эътирофининг гувоҳи бўламиз (Шу асар. Ж.1. Б. 461).

² Бу ҳолни Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Хидрий мисолида кузатишимиз мумкин (Шу асар. Ж.1. Б. 463).

³ Масалан, муаддис ал-Муайяд ат-Тусий ма3ида маълумот беришга киришган Ибн Халликон аввал унинг насабини сарлавҳада бераркан, уни Абул-Ҳасан ал-Муайяд ибн Муҳаммад ибн Али ат-Тусий ан-Найсобурий деб, бобосига зикр 3илган. Орадан икки йил 3тиб, ал-Муайяддан 3ига берилган ижозага к3зи тушиб 3арасаки, унда олимнинг яна уч аждоди номи ал-Муайяднинг 3 3ўли билан ёзилган. Ушбу 3ўшимча маълумотга муаллиф энди таржимаи ҳолининг охиридан жой ажратган (Шу асар. Ж.2. Б. 143-144).

⁴ Шу асар. Ж.1. Б. 219.

⁵ Шу асар. Ж.1. Б. 465.

ҳам унинг аксар вақти шу фан бўйича ёзилган асарларни мутолаа қилиш билан ўта бошлади. Улардан тополмаган маълумотларини ўзи билан замондош олимлардан олди. Аста-секин шу қизиқишлари асосида бир қанча хомаки битиклар (مسودات) тўпланди. Кейинроқ эса уларни тартибга солиш эҳтиёжи туғилди ва шу аснода унинг «Вафайāt ал-а‘йāн» асари вужудга келди. Унинг ёзилишида айтиб ўтилган битикларнинг аҳамияти бекиёсдир. Чунки баъзи ўринларда унинг бераётган маълумотлари учун ягона манба бўлиб мана шу битиклар қолган¹.

Ушбу китобда муаллиф бизнинг давримизгача етиб келмай, йўқолиб кетган асарлардан ҳам маълумотлар келтирганлигини В.В.Бартольд қайд қилган эди². Чунончи, араб шоири ва тилшунос олими Ибн ал-Му‘таззнинг (ваф. 295/908) асарлари ҳақидаги айрим нодир маълумотлар Ибн ан-Надим (ваф. 385/995-996) ҳамда Ибн Халликоннинг асарларида сақланган³.

Асарни ўрганар эканмиз, унинг ёзилиши жараёнида муаллифнинг ўзи бир қанча манбаларни зикр қилганига гувоҳ бўлдик. Уларни Ибн Халликоннинг ўзи эшитган, шоҳиди бўлган ва ёзма ҳолда кўрган манбаларга ажратиш мумкин. Эшитган оғзаки манбаларини, масалан, «устозимиз Ибн Салоҷ номи билан танилган Та‘ийиддин Абу Амр Усмоннинг айтишича»⁴, каби у (манба)нинг номини зикр қилиб ёки «айтилишича»⁵, «ҳикоя қилинишича»⁶, «баъзи фозиллардан эшитдимки»⁷, «баъзи олимларнинг айтишларича»⁸, «мазҳаб олимларидан баъзи машойихларнинг менга айтиб беришларича»⁹, «баъзи машойихлардан эшитдимки»¹⁰, «менга етиб келдики»¹¹ кўринишида мажҳул ҳолда ифодаласа, баъзан зикр қилинаётган ҳолатларга ўзи гувоҳ бўлганини «кўрдим, гувоҳ бўлдим»¹² тарзида айтиб ўтади. Айрим ҳолларда муаллиф бераётган маълумотларини ўз хотирасига асосланиб айтаётгани кўринади¹³.

¹ Мазкур ҳолатлардан бири сифатида муаллиф айтган, Абу-л-Фатҳ аш-Шахрастонийнинг таваллуд санаси ҳақидаги қуйидаги маълумотини келтириш мумкин: «Унинг (аш-Шахрастонийнинг) 467/1074-1075 йил Шахрастонда таваллуд топганини ўз қўлим билан ёзган битикларда топдим, уни эса қаердан ёзиб олганим ёдимда йўқ» (Шу асар. Ж.1. Б. 482).

² Бартольд В.В. Источники // Сочинения. Т.1. С. 47-48.

³ Крачковский И.Ю. Ибн ал-Му‘тазз. Список сочинений // Избранные сочинения. Т.6. С. 21.

⁴ Ибн Халликон. Вафайāt ал-а‘йāн. Ж.2. Б. 91.

⁵ Шу асар. Ж.1. Б. 4.

⁶ Шу асар. Ж.1. Б. 288.

⁷ Шу асар. Ж.1. Б. 276.

⁸ Шу асар. Ж.1. Б. 22.

⁹ Шу асар. Ж.1. Б. 465.

¹⁰ Шу асар. Ж.1. Б. 82.

¹¹ Шу асар. Ж.1. Б. 312.

¹² Шу асар. Ж.1. Б. 477.

¹³ Масалан, Рукниддин Абу Ҳомид ас-Самарқандийнинг таржимаи ҳолида унинг ҳар бирлари алоҳида «рукн», яъни диннинг устунлари, асослари деб эътироф этилган тўрт шахснинг бири бўлганини айтиб, «...улар: Рукниддин ат-Товусий, мазкур Абу Ҳомид, Рукниддин Имомзода бўлиб, тўртинчи олимнинг ким эканлигини эслай олмадим», дейди (Шу асар. Ж.1. Б. 477).

Шахсларнинг таржимаи ҳолларини ёзишда Ибн Халликон талайгина ёзма манбалардан фойдаланганки, айрим ҳолларда уларнинг номларини келтирмай «баъзи асарларда кўрдимки»¹ ёки «баъзи мутааххир олимларнинг тарихларида кўрдимки»² деган иборалар билан кифояланса, бош³а молларда уларнинг номларини келтириб ўтади³.

Иккинчи боб бўйича қуйидаги умумий хулосаларга келдик:

– Ибн Халликон аксар ўрта аср мусулмон тарихчиларига хос анъана – пай²амбар, саюба, «хулафои рошидин» ва тобеъинларнинг таржимаи молларини беришдан четланиб, бош³а асарларда етарли бўлган маълумотларни такрорлашдан тийилган;

– тобеъинлардан кейин яшаган машхур олимларнинг таржимаи ҳолларини ёритишда эса умумий маълумотларни қисқа қилиб, уларнинг очилмаган қирраларини ифодалашга эътибор қаратган;

– саналар билан бо²ли³ маълумотларни беришда уларнинг вафот саналарига ди³³атини жалб³ илгани ва асарни «Вафайāt ал-а‘йāн» деб номлагани молда, таржимаи моли берилаётган шахсларни асардан фойдаланувчиларга ўзлай бўлиши учун исмлари эътибори билан алифбо тартибида жойлаштирган;

– ўзувчида ту²илиши эртимоли бўлган баъзи саволларга «билолмадим», «топмадим» ёки «эсимда й³» каби иборалар билан олдиндан жавобни тайёрлаб ўйиши билан эса асарни ўз имконияти даражасида ёзганини эътироф этган.

Асарни ёзишда Ибн Халликон фойдаланган, турли даврларга оид ёзма манбалар фаннинг адабиёт, тарих, мадис, фалсафа, фи³м, география, тилшунослик каби соҳаларига тегишли бўлиб, бу мол муаллифнинг на³адар кенг ўамровли ва билимдон шахс бўлгани ма³ида хулоса ўилишга имкон беради. Шахсларнинг маёт ва ижодлари ҳақидаги хабарларни мазкур ёзма манбалардан таш³ари муаллиф ўзи кўрган дамда эшитган о²заки манбалар асосида «Вафайāt ал-а‘йāн»да жам ўилиши эса асарнинг маълумотларга бой бўлишини таъминлаган.

«Вафайāt ал-а‘йāн»ни ёзишда муаллиф фойдаланган айрим ёзма манбаларнинг бизгача етиб келмаганлиги ва улардаги маълумотларнинг Ибн Халликоннинг асарида са³ланиб ўолганлиги ушбу асарнинг ўимматини янада оширади.

Учинчи боб **«Вафайāt ал-а‘йāн»да мовароуннаҳрлик ва хуросонлик олимлар**» деб номланган. IX-XII асрларда Шарқ халқлари фани ва маданиятида рўй берган илмий юксалиш, шубҳасиз, Мовароуннаҳр ва

¹ Мазкур кўринишдаги иборалар Абу Маъшар ал-Балхий (Шу асар. Ж.1. Б. 112), Абу Наср ал-Форобийларнинг таржимаи ҳолларида учрайди (Шу асар. Ж.2. Б. 77).

² Шу асар. Ж.1. Б. 82.

³ Диссертацияда Ибн Халликон фойдаланган 21 ёзма манбанинг номлари ва улар ҳақида қисқа маълумот келтирилди.

Хуросон олимларининг самарали ижоди билан боғлиқ. Бу даврда тилшунослик, фалсафа, табобат, фалакиёт, ҳадисшунослик, калом ва ҳатто мусиқа соҳаларидаги кашфиётларни мазкур минтақа олимларининг хизматларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу давр шунингдек, Абу Наср ал-Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон ал-Беруний ва Маҳмуд аз-Замахшарий каби қомусий билимларга эга бўлган алломаларнинг етишиб чиққанлиги билан ҳам характерлидир. Улар томонидан яратилган ва фаннинг турли соҳаларига оид бўлган ноёб асарлар жаҳон маданияти хазинасига қўшилган дурдоналардир.

Номлари зикр қилинган алломаларга устоз, шогирд ёки замондош бўлиб шундай шахслар ҳам яшаганларки, уларнинг ҳаёт ва фаолиятлари етарлича ўрганилмаган. Ибн Халликоннинг «Вафайāt ал-а‘йāн» асари Мовароуннаҳр ҳамда Хуросондан етишиб чиққан олимлар ҳақида маълумот берувчи манбалардан бири бўлиб, ушбу бобда мазкур манбага асосланганимиз, ундаги хабарларни бошқа шу каби асарларга қиёслаганимиз ҳолда мазкур минтақа олимларининг ҳаёт ва ижодлари ҳақида маълумот бердик.

Учинчи бобнинг **«Вафайāt ал-а‘йāн»да мовароуннаҳрлик олимлар ҳақидаги маълумотлар**» номли биринчи параграфида Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Абу Жаъфар ат-Термизий, Абу Абдуллоҳ ал-Фарабрий, Абу Наср ал-Форобий, ал-Қафғол аш-Шоший, Абу Бакр ал-Уданий, Аҳмад ал-Калобозий, Абу Абдуллоҳ ал-Ҳалимий, Ибн Сино, Абу Зайд ад-Дабусий, Абу Бакр аш-Шоший ал-Мустазҳирий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Носир ал-Мутарризий ҳамда Рукниддин Абу Ҳомид ас-Самарқандийдан иборат 15 нафар мовароуннаҳрлик олимларнинг маёт ва фаолиятлари тадқиқ қилинди.

Мазкур бобнинг **«Вафайāt ал-а‘йāн»да хуросонлик олимлар ҳақидаги маълумотлар**» деб номланган иккинчи параграфида 57 нафар хуросонлик олимнинг ҳаёти ва фаолияти ўрганилди.

Ибн Халликон асарни ёзишда шахсларнинг вафот саналарини аниқлашга асосий эътиборини жалб этганидан бўлса керак, ушбу саналар билан бо²ли³ маълумотларнинг ихтилоф ва таҳлилларга бой эканлигининг гувоҳи бўлди. Ҳатто баъзи ʼринларда олимларнинг ижоди билан бо²ли³ маълумотлар у³адар мукамал эмасдек кʼринади. Абу Жаъфар ат-Термизий, Абу Абдуллоҳ ал-Ҳалимий, Абу Зайд ал-Марвазий, Абу-т-Тоййиб ас-Суълукий, Абу Абдуллоҳ ал-Ванний, Абу Мансур Ҳафада ат-Тусий каби олимларнинг асарлари ма³ида Ибн Халликон ҳеч қандай маълумот келтирмаган бўлса (молбуки бош³а тарихчилар уларни келтирганлар), Имом ал-Бухорий, Абу Бакр ал-Мустазҳирий аш-Шоший, Му³отил ибн Сулаймон, Исмо³ ибн Рошвайҳ, Имом Муслим, Ибн ал-Мунзир ан-Найсобурий, Абу Авона ал-Исфаройиний, Абу Исмо³ Иброҳим ал-Марвазий, Абу Убайд ал-Ҳаравий, Абу Исмо³ ал-Исфаройиний, Абу-л-Ҳосим ал-Фуроний, Абу Али ал-Марваррузий, Абу Саъд ал-Майдонийларнинг энг машҳур китобларидан

биттадан намуна келтириш билан чекланган. Мазкур молатларнинг баъзиларига Ибн Халликон 'зи эътироф этганидек, унинг бош³а асарлардаги маълумотларни такрорлашдан тийилгани боис бўлган бўлса, баъзиларига муаллиф асарни 'з имкон доирасидан келиб чи³иб ёзганлиги сабабдир. Биро³, шу 'ринда таъкидлаш жоизки, Абу-л-Ўосим Ма'муд аз-Замахшарий, Абу Ўомид Рукниддин ас-Самар³андий, Абу-л-Ўасан Саид ибн Масъада ан-На'мвий, Абу Умар ал-Мутарриз ал-Бовардий, Абу Ўомид ал-Марваррузий, Абу Му'аммад ал-Жувайний, Абу Саъд ан-Найсобурий, Абу Му'аммад ал-Ба²авий, Абу-л-Фат'и аш-Ша'растоний, Абу Ўомид ал-Жожармий сингари олимларнинг асарлари р'йхати «Вафай'ат ал-а'й'ан»да энг т'ли³ к'ринишда зикр қилинган.

Асарда муаллиф таржимаи моллари берилган олимларнинг вафот йиллари билан чекланмай, уларнинг 'айси ой, рафтанинг 'айси куни, куннинг 'айси 'исмида вафот этганлари ва жанозаларини ким 'зиганигача имкон 'адар ани'лашга қаракат 'илган. У таржимаи моли берилган шахслардан бир нечасининг 'абрларини зиёрат 'илишга ҳам муваффа³ бўлган. Уларнинг вафот этган ерлари (ша'ар ёки 'ишло³ эмас, матто мавзе ёмуд ма'аллагача) ва 'абрлари, уларнинг 'аерда жойлашганлиги ма'ида ҳам маълумот берилган. Аммо аксар шахсларнинг таваллуд саналари берилса-да, улар олимларнинг вафотлари билан бо'ли³ маълумотларчалик батафсил эмас. Мазкур молатларнинг у ёки бу к'ринишини таржимаи моли берилаётган олимларнинг деярли қар бирида қузатиш мумкин. Муаллиф маълум манбага таяниб бераётган маълумот нот'ри бўлган та'дирда ҳам уни бериб, 'зининг муносабатини билдириб 'тган. Мисол тари'асида Имом ал-Бухорийнинг вафот этган жойи ва санаси ма'идаги 'уйидаги маълумотни келтириш мумкин: «У [ал-Бухорий] 256 йил, рамазон қайити кечаси¹/870 йил 5 август, ҳуфтон намозидан кейин вафот этиб, қайит куни пешин намозидан кейин Хартангда² дафн этилган. Ибн Юнус «Т'ркү ал-чураба'»да унинг Мисрга бориб, 'ша ерда вафот этганини айтган, аммо бу нот'ри³. Т'риси биз бу ерда зикр 'илганимиз»⁴. Биро³ муаллиф бунга 'хшаш ихтилофларга муносабат билдирмай, уларни очи³ 'олдирган моллар ҳам й'³ эмас. Абу Му'аммад ал-Ба²авийнинг вафот санаси ма'идаги маълумотлар с'зимизга мисол бўла олади: «У [ал-Ба²авий] 510 йил шаввол/1117 йил феврал-март ойларида Марваррузда вафот этган бўлиб, ат-Толақоний мақбарасига, устози 'ози Хусайн ёнига дафн этилган, қабри машхурдир. Мен [Ибн Халликон] ал-

¹ Бу ерда рамазон қайитидан бир кун аввалги кеча назарда тутиляпти. Мазкур ифода услуби хоссатан ислом адабиётларида қузатилади.

² Хартанг – Самарқанд билан унинг ораси уч фарсах бўлган қишлоқ (Ёкут ал-Ҳамавий. Му'дjam ал-булдан. Ж.3. Б. 415). Фарсах – тақрибан 8 километрга тенг масофа (Лувайс Маълүф. Ал-мунджид фи-л-луча. – Байрут: Католик, 1956. Б. 607).

³ Имом ал-Бухорийнинг мазкур санада Ба²додда вафот этгани ма'ида ҳам маълумотлар бор. Журжий Зайдон ушбу 'арашни ихтиёр 'илган (Журжий Зайдон. Таркү ад'аб. Ж.2. Б. 246).

⁴ Ибн Халликон. Вафай'ат ал-а'й'ан. Ж.1. Б. 456.

Ҳофиз Закийиддин Абдулазим ал-Мунзирийнинг «Китāб ал-фавāид аш-шаркфа» («Юксак манфаатлар китоби») асарида унинг 516/1122-1123 йил вафот этганлиги ёзилганини кўрдим. Бу маълумотларни унинг ёзувидан нақл қилдим. Аллоҳ [ҳаммадан кўра] билгувчидир»¹.

Асарда шундай маълумотлар ҳам борки, уларни беришда муаллиф ўзининг ёзма битикларига таянганини айтади. Масалан, Имом ан-Насайининг 215/830-831, баъзиларнинг айтишларича эса 214/829-830 йил таваллуд топгани маъзидаги маълумотни Ибн Халликон ўзининг ёзма битикларига асосан келтирган².

Асарда баъзи шахсларнинг вафот саналари билан боъли³ маълумотлар Ибн Халликоннинг тахмини асосида келтирилган ўринларни ҳам учратдик. Масалан, муаллифнинг ёзишича, Абу Абдуллоҳ ал-Хидрий 380/990-390/1000 йиллар оралиги⁴да вафот этган³.

«Вафайāt ал-аъйāн»да саналар билан боъли³ ноаниъликлар ҳам учраб туришини тадқиқотимиз асносида аниъладик. Абу Наср ал-Калобозийнинг таваллуд ва вафот йили маъзидаги муаллифнинг ўйидаги мулоҳазаси сўзимизга мисол бўла олади: «У 398 йил жумоду-л-охир ойидан етти кун қолганда/1008 йил 9 мартда вафот этган, таваллуд санаси 460/1067-1068 йилга тўғри келади. Мен [Ибн Халликон] айтаманки, ал-Калобозийнинг вафоти ва таваллуди ҳақидаги хабарни Абу Саъд ас-Самъоний шундай зикр қилгани хато. У [ас-Самъоний олимнинг] туғилган йилини вафот санасидан кейин қилиб қўйган. Мен уни бир неча жиҳатдан текширдим, аммо бошқа маълумот топа олмай, ўз ҳолича қолдирдим. Зоҳиридан кўринишича, аксинча бўлса керак»⁴. Бир неча манбаларни таққослаб ўрганишимиз натижасида олимнинг таваллуд ва вафот саналари ҳақидаги маълумотларнинг ҳақиқатан ҳам ихтилофларга бой эканлигининг гувоҳи бўлдик, аммо Ибн Халликон айтганидек, ас-Самъоний берган маълумотнинг ўрнини алмаштириб қўйиш билан иш битмайди. Қолаверса, Ибн Халликон бераётган ушбу маълумотда у ас-Самъонийнинг қайси асарига асослангани бизга мавҳумлигича қолмоқда. Чунки унинг асарлари ичида энг машҳури ҳисобланмиш «Ал-ансāб»нинг ʼЗР ҒА ШИ ҳазинасида сақланаётган нашрида муаллиф олимни унинг шогирди Абу-л-Аббос Жаъфар ал-Мустағфирийнинг сўзига асосланиб, 360/970-971 йил таваллуд топганини, ал-Калобозийнинг ўғлига мансуб қўлёзмадаги маълумотга биноан эса 398/1007-1008 йил вафот этганини ёзган⁵. Шамсиддин аз-Заҳабийни ҳисобга олмасак⁶, бошқалар олимни 398/1007-1008 йил вафот этганига иттифоқ қилишган. Унинг таваллуд санаси борасида эса аз-Заҳабий

¹ Шу асар. Ж.1. Б. 145-146.

² Шу асар. Ж.1. Б. 21.

³ Шу асар. Ж.1. Б. 463.

⁴ Шу асар. Ж.1. Б. 462.

⁵ Абу Саъд ас-Самъоний. Ал-ансāб. Ж.5. Б. 114.

⁶ Аз-Заҳабийнинг маълумот беришича, олим 378 йил жумоду-л-охир/988 йил сентябр-октябр ойларида вафот этган (Шамсиддин аз-Заҳабий. Тайкират ал-нуфай. Ж.3. Б. 1027).

303/915-916, Ёкут ал-Ҳамавий 306/918-919¹, Ибн ал-Имод ва Каҳҳола 323/934-935 йилларга ишора қилганлар².

Муаллиф олимларга берилган нисбалар маъида сўз юритаркан, аввало уларнинг эъзадай эъзилиши керак эканлигини айтиб, сўз уни изоғлашга эътади. Баъзи тарихчиларнинг нисбаларни бузиб талфин эъзилишларига эса эъз муносабатини билдиради. Масалан, «Ал-Уданий – Бухоро кишлокларидан бўлган Уданага нисбатдир», деб эъзган Ибн Халликон бу маълумотни ас-Самъонийга таяниб бераётганини айтгани ҳолда, баъзи фақиҳларнинг мазкур нисбани ал-Удий деб бузиб талфин қилишаётганини танқид қилади³.

Баъзи олимлар фаннинг маълум соҳасида замоналарининг пешадамлари бўлишларига эърамасдан, муаллиф томонидан асарда уларнинг айрим фазилатларигина эслаб эътилиши моллари мам кузатилади. Бошэ тарихчилар томонидан мащур муаддис ва фаъи сифатида эдга олинадиган Абдулло ибн ал-Муборакнинг Ибн Халликон тарафидан зорид сифатида таништирилиши фикримизга мисол бўла олади⁴.

Асарни тадфин эъилар эканмиз, унда фаъат «Вафайат ал-аъйан»гагина хос бўлган маълумотларнинг мам оз эмаслигига гувоҳ бўлдик. Мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Баъзи тарихчилар ал-Қаффол аш-Шошийга, бошқалар унинг ўғли Қосимга (ваф. 400/1009-1010), яна айримлар эса Сулайм ар-Розийга (ваф. 447/1055) мансуб деб биладиган «Китаб ат-таурқб»га («Яқинлаштириш китоби») Ибн Халликон қуйидагича ўз муносабатини билдириб, аниқлик киритади: «У [ал-Қаффол аш-Шоший] – «Китаб ат-таурқб» муаллифи Қосимнинг отасидир. Ундан [у асардан] «Ан-нихайа»⁵, «Ал-васкй» («Ўртача (китоб)») ва «Ал-баскй» («Мураккаб бўлмаган (китоб)»)ларда [маълумотлар] нақл қилинган. [Абу Ҳомид] ал-Ғаззолий у [Қосим]ни «Китаб ар-рахн» («Қафолат китоби»)нинг иккинчи бобида Абу-л-Қосим деб зикр қилган. Аммо бу хато бўлиб, тўғриси Қосимдир. Ал-Ижлий «Шарҳ мушкилат ал-ваджкз ва-л-васкй» («Ал-ваджкз» ва «Ал-васкй»даги мураккаб [сўз]ларни тушунтириш») асарининг «Ният китоби» иккинчи бобида «Китаб ат-таурқб»нинг муаллифи Абу Бакр ал-Қаффол, баъзиларнинг айтишича, унинг ўғли Қосим, шунинг учун ҳам ал-Қаффолни «Китаб ат-таурқб»нинг соҳиби деб тахминан айтадилар, дейди. Мен [Ибн Халликон] шундай дейман: «Мен 665 йил шаввол/1267 йил июл ойида Дамашқдаги Одилия мадрасасининг китоблар хазинасида асли ўн жилддан иборат «Китаб ат-таурқб»нинг олти

¹ Ёкут ал-Ҳамавий. Муъдjam ал-булдан. Ж.7. Б. 269.

² Ибн ал-имод. Шайарат ай-йахаб. Ж.4. Б. 514; Каҳҳола. Муъдjam ал-муаллифкн. Ж.2. Б. 95.

³ Ибн Халликон. Вафайат ал-аъйан. Ж.1. Б. 461-462.

⁴ Шу асар. Ж.1. Б. 248.

⁵ Имом ал-марамайн Абу-л-Маолий эъзган ушбу асарнинг тализ номи «Китаб нихайат ал-майлаб фк дирайат ал-майхаб» («Мазмабни билишда талаб чегараси маъида китоб») бўлиб, олим маъида диссертациянинг учинчи боби «Вафайат ал-аъйан»да хуросонлик олимлар ҳақидаги маълумотлар» номли параграфида алоҳида сўз юритилган.

жилди сақланаётганини кўрдим. Унинг устига у [китоб] Абу Бакр ал-Қаффол аш-Шошийнинг ўғли Абу-л-Хасан Қосимнинг асари эканлиги, мазкур нусха шайх Қутбиддин Масъуд ан-Найсобурийга тегишли бўлиб, уни вақф қилганлиги ёзилган эди. Бу «Китāб ат-таўрқб» Сулайм ар-Розий қаламига мансуб «Китāб ат-таўрқб» эмас. Мен фақиҳлардан кўпларини кўрдимки, у [Сулаймнинг асари]ни шу [яъни ал-Қаффолники] деб ишонадилар. Шунинг учун ҳам бунга чуқурроқ ёндашдим. Ал-Қаффолнинг ўғлига мансуб бўлган «Китāб ат-таўрқб»нинг сони жуда кам. Сулаймнинг асари эса одамларнинг кўлларида мавжуд. Хуросон фақиҳлари ўқиб ўрганадиган «Китāб ат-таўрқб» ҳам шу [Сулаймнинг асари]дир»¹.

Маъмуд аз-Замахшарийнинг бир оёғи нуксонли ва ёғочдан бўлганлигига сабаб бўлган воқеа ҳақида маълумот берувчи Ибн Халликоннинг асари бу борада ўзига хос манба вазифасини ўташи шубҳасиз. Бу хусусида муаллиф икки хил маълумотни келтирган. Баъзи машойихлардан эшитган унинг биринчи маълумотида кўра, олимнинг ёшлик даврида Хоразмда ёққан кўп қор ва қаттиқ совуқ мазкур ҳолатга сабаб бўлган. Ибн Халликон баъзи тарихчиларнинг асарларида кўрган иккинчи маълумотга биноан эса, аз-Замахшарий Бағдодга бориб, ҳанафий фақиҳ ад-Домағоний билан учрашганида, фақиҳ ундан оёғининг иллоти сабабини сўраган. У онасининг дуоси туфайли шу ҳолат содир бўлганини айтиб, воқеани эсга олган².

Ибн Халликоннинг ёзишича, Абу-л-Маолий Ғутбиддин ан-Найсобурийнинг «Аўқда» асари султон Салоҳиддинга (564-589/1169-1193) атаб ёзилган. Унда султоннинг диний ишларда эҳтиёжи тушадиган маълумотлар жамланган бўлиб, ҳатто унинг кичик фарзандлари ҳам асарни ёд олганлар. Ибн Шаддод султоннинг таржимаи ҳолида унинг ўз фарзандларини рўбарўсига ўтказиб қўйиб, улардан мазкур асарни ёддан қабул қилиб олаётганини кўрганини айтган³. Ушбу маълумотлар «Вафайāt ал-а‘йāн»га хос бўлиб, биз танишиб чиққан бошқа манбаларда келмаган. Шунингдек, Абу Исҳоқ ал-Марвазийнинг машҳур фақиҳ бўлганидан ташқари, Бағдодда узоқ вақт истиқомат қилиб, мударрислик ва муфтийлик қилгани, издошлари жуда кўпчилиқни ташкил қилиб, улар Бағдодда ўзига хос «ал-Марвазий мактаби»ни ташкил қилганлари⁴, Абу-л-Фатҳ ал-Ар²ийнинг Абу-л-Маолий ал-Жувайний ташкил қилган илм ва мунозара мажлисида у билан мунозара ³илиб, унинг с´зларига ³аноатлангани ҳақидаги

¹ Ибн Халликон. Вафайāt ал-а‘йāн. Ж.1. Б. 459.

² «Вафайāt ал-а‘йāн»да мазкур воқеа аз-Замахшарийнинг тилидан келтирилган. Унга кўра, Маҳмуд болалик дамларида бир куни қушча тутиб олади ва унинг оёғидан ип билан боғлаб, ўйнаб юради. Ғушча тешиққа кириб колганида, Маҳмуд уни тортади ва унинг оёғи узилиб кетади. Бунга гувоҳ бўлган онаси «унинг оёғини узганинг каби Аллоҳ ҳам сенинг оёғингни узсин», дейди. Аз-Замахшарий давом этиб «Таълим олиш ёшига етиб, илм талабида Бухорога кетаётганимда уловдан йиқилиб тушдим ва оёғим синди» деб, бунга ўзи сабаб бўладиган иш қилганини эътироф этади (Шу асар. Ж.2. Б. 82).

³ Ибн Халликон. Вафайāt ал-а‘йāн. Ж.2. Б. 92.

⁴ Шу асар. Ж.1. Б. 4.

хабар¹, Абу Муаммад ал-Ба²авийнинг рафикаси вафот этганида унинг меросидан бирор нарса олмагани ҳақидаги маълумотлар² биз фойдаланган манбалар орасида фақат «Вафайāt ал-а‘йāн»га хос.

Ушбу боб юзасидан қуйидаги хулосаларни қайд қилиш мумкин: «Вафайāt ал-а‘йāн»да ҳам, у билан қиёсий ўрганилган бошқа манбаларда ҳам уларнинг муаллифлари араб диёрларидан бўлганлари учун мовароуннаҳрлик ва хуросонлик олимлар алоҳида эмас, балки тарқоқ ҳолда берилган. Мазкур олимлар орасидан Мовароуннаҳр ҳамда Хуросондан етишиб чиққан 72 нафар шахснинг ҳаёти ва фаолияти тад³и³ зилинди. Улар 34 фа³и³и, 11 му³аддис, 9 тилшунос, 6 мутакаллим, 4 муфасссир, 3 тарихчи, 2 файласуф, 2 математик ва 1 нафар фалакиётчидан иборат олимлардир. К‘риб турганимиздек, уларнинг аксари ислом олимлари, хусусан, фақиҳлардан иборат эканлиги хусусида эса икки хил хулосани илгари суриш мумкин. Биринчиси, умуман олганда, фақиҳларнинг ю³орида санаб ‘тилган со‘ма олимларидан кўплиги бўлса (давр дам шуни тақозо ‘тилгани табиий), иккинчиси, муаллифнинг ўзи тарихчи бўлиши билан бирга фақиҳ ҳам эканлигидир.

Ибн Халликоннинг «Вафайāt ал-а‘йāн» асаридаги мовароуннаҳрлик ва хуросонлик олимларга оид маълумотлар мазкур ўлкалар олимларининг меросини ўрганишда муҳим манба сифатида хизмат қилиши шубҳасиз. Бу маълумотларни бошқа манбаларга таққослаб ўрганиш эса ўрта асрларда фанлар тараққиётида юз берган юксалишга мазкур минтақа олимларининг қўшган ҳиссалари нақадар катта бўлганига яна бир қарра далил бўлади.

¹ Шу асар. Ж.1. Б. 219.

² Шу асар. Ж.1. Б. 146.

ХУЛОСА

Тадқиқотнинг хулосасида қуйидаги ҳолатларни таъкидлаб ўтишни лозим топдик:

1. Ишнинг аввалида Ибн Халликоннинг тузилиб ўсган юрти, оиласи, устозлари, маёти ва фаолиятига доир маълумотлар тадқиқот этилди. Шу пайтгача Ибн Халликоннинг номи илмий маълумотларда фақат тарихчи олим сифатида зикр қилинган бўлса, тадқиқотимизда унинг мударрис, фақиҳ, зохи, адиб ва шоир ҳам бўлганлиги ёритиб берилди. «Вафайāt ал-а‘йāн»да у баъзан, фақиҳларнинг ҳаракатларини баён қиларкан, уларни бошқа олимлар фикрларига таққослаб маълумлагани, баъзан эса мазкур қарашларга қўшилмагани ҳолда фақиҳ сифатида ўзининг мулоҳазасини ҳам билдириб кетганини кўришимиз мумкин. Абу Абдуллоҳ ал-Хидрийнинг таржимаи ҳолидаги маълумотлар сўзимизга мисол бўла олади. Ибн Халликоннинг зохилик билан боғлиқ фаолияти эса унинг Миср ва Сурияда истиқомат қилган даврида ўз аксини топганига гувоҳ бўлди.

«Вафайāt ал-а‘йāн» асари Шарҳ, Оврупо, собиқ Иттифок республикалари ва Ўзбекистонлик олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, ундаги маълумотларнинг ушбу ўлкалар олимлари тарафидан тадқиқотларга жалб этилганлиги манбанинг ҳанчалик катта аҳамиятга эга эканлигидан дарак беради. Бироқ, мазкур олимлар асарга ундаги маълумотлардан фойдаланиш мақсадидагина ёндашганлар. Бизнинг ишимизда эса «Вафайāt ал-а‘йāн» алоҳида, мустақил манба сифатида тадқиқ этилди.

2. «Вафайāt ал-а‘йāн» асарининг ёзилиш сабаблари, услуби, тузилиши, ўзига хос жиҳатлари ва манбалари аниқланди. Асарни Ибн Халликон 654/1256 йилдан ёзишни бошлаган бўлса, унинг ёзилишига муаллифнинг ҳизиҳишлари асосида, ёшлик давларидан бошлаб тўпланиб қолган хомак битиклар сабаб бўлган ва кейинроқ, ўзининг таъбири билан айтганда «уларни тартибга солиш зарурати тузилган». Тўпланган материаллар сабаб бўлиб, тарихий асар ёзишни мақсад қилган муаллиф кейинчалик ўзи ўқиган, эшитган ва турли ўлкаларда гувоҳи бўлган маълумотларни ҳам қўшиб, уни 672/1274 йил, яъни 18 йил деганда ёзиб тугатган. Асарда берилган шахслар исмлари эътибори билан, алифбо тартибида жойлаштирилган. Унда нафақат олимлар ҳамда сиёсат арбоблари, балки нодир зобиҳият, ҳунарлари билан шуғулланган кишиларнинг ҳам насл-насаблари, тузилган ва вафот этган вақтлари, фаолиятлари ҳақида ҳизиҳарли маълумотлар бор. Бошқа тарихий асарлардан фарқли ўлароқ «Вафайāt ал-а‘йāн»да пайғамбар, саҳобалар, тобеъинлар ёки «хулафои рошидин» ҳақида сўз бормади, бунга сабаб қилиб эса улар ҳақидаги хабарларнинг бошқа асарларда етарли эканлиги кўрсатилади. Аммо биз муаллифнинг «хулафои рошидин»дан кейинги асрларда яшаган машҳур олимларнинг таржимаи ҳолларини ёритишда умумий маълумотларни қисқа қилиб, уларнинг очилмаган қирраларини ифодалашга эътибор қаратганининг гувоҳи бўлдик. Имом ан-Насай, ал-Қафғол аш-

Шоший, Махмуд аз-Замахшарий, Абу Саъд ас-Самъоний каби олимларнинг таржимаи ҳолларида бунга шохид бўлиш мумкин. Асарни ёзишда муаллиф фойдаланган айрим ёзма манбаларнинг бизгача етиб келмаганлиги ва улардаги маълумотларнинг «Вафайāt ал-а'йāн»да са³ланиб ³олгани унинг ³имматини янада оширади.

3. «Вафайāt ал-а'йāн»дан Мовароуннаҳр ва Хуросонга мансуб олимлар ҳақидаги маълумотларни топиб, уларни алоҳида-алоҳида равишда, давр нуқтаи назаридан тартибга солинди. Асарда мазкур олимларга оид маълумотлар VIII асрдан то XIII аср бошларига ³адар даврни ³з ичига олган. Улар орасида биринчи с'з юритиладигани 150/767-768 йил вафот этган марвлик муфассир Му³отил ибн Сулаймон, охиргиси эса 617/1220 йил вафот этган мураддис Абу-л-Ҳасан ал-Муайяд ат-Тусийдир.

4. Асардаги мовароуннаҳрлик ва хуросонлик олимлар ҳақидаги маълумотлар бошқа араб манбалари билан қиёсий ўрганилди. «Вафайāt ал-а'йāн»да номлари зикр ³илинган олимлар тад³и³от асносида Абу Саъд ас-Самъонийнинг «Ал-ансāб», Ибн ал-Ўифтийнинг «Тārкү ал-нукамā'», Абу-л-Фидонинг «Китāб ал-муўтайār фк аўбār ал-башар», Шамсиддин аз-Заҳабийнинг «Ал-а'лām би-вафайāt ал-а'лām», «Таўкират ал-нуффāй'» ва «Мкзāн ал-и'тидāl», Абдуллоҳ ал-Ўфиъийнинг «Мир'āt ал-джинāн», Тожиддин ас-Субкийнинг «Ўабаўāt аш-шāфи'кйа ал-кубрā», Жамолиддин ал-Аснавийнинг «Ўабаўāt аш-шāфи'кйа», Ҳожи Халифанинг «Кашф ай-йунһн», Ибн ал-Имоднинг «Шайарāt ай-йаҳаб», Журжий Зайдоннинг «Тārкү āдāб», Каҳҳоланинг «Му'джам ал-му'аллифкн» асарлардаги маълумотлар билан та³³осланди. К'риб чи³илган манбалар ма'зида шуни айтиш мумкинки, муаллифлар шахслар ҳақидаги маълумотларини турлича ёритганлар. Улар орасида Тожиддин ас-Субкийнинг «Ўабаўāt аш-шāфи'кйа ал-кубрā» асари фа³и³мларнинг хос ³арашларини бош³аларга нисбатан анча муфассал келтириш билан ажралиб турса, аз-Заҳабий, ал-Ўфиъий, ал-Аснавий ва Ибн ал-Имодларнинг асарларида «Вафайāt ал-а'йāн»дан и³тибослар учрайди, Абу-л-Фидонинг маълумотлари ҳам к'п молларда «Вафайāt ал-а'йāн»даги ибораларга с'зма-с'з т'2ри келса-да, муаллифнинг у ёки бу манбага ишора ³илганини к'рмаймиз.

Биз ушбу тад³и³отимизга жалб ³илган асарлар био-библиографик табиатга эга бўлса-да, уларда ³зларига хос жиҳатларни кузатиш мумкин. Муаллифларнинг баъзилари шахсларнинг насаб ёки нисбалари ма'зида маълумот беришни асосий ма'сад ³илиб олган бўлсалар, яна баъзилари олимлар ёзиб ³олдирган асарларга ур²у берганлар. Айримлар олимларнинг фар³ли ³арашлари ёки ижтиҳодлари ма'зида маълумот бериш билан ажралиб турса, бош³алар шахсларнинг таваллуд ва вафотлари билан бо²ли³ саналарни ани³лашга эътибор ³аратганлар. Ибн Халликоннинг асарида эса мазкур жиҳатларнинг барчасини қайсидир даражада ҳам бўлганини кузатдик.

Номлари келтирилган асарлардан «Ал-ансāб» ва файласуфлар маёт-фаолиятлари ҳақида маълумот берувчи «Тārкү ал-нукамā'»гина «Вафайāt ал-

а‘йāн»дан илгари ёзилган. Айтмо³чимизки, кейинги асарларнинг дунё юзини к‘ришида «Вафайāt ал-а‘йāн»нинг ўзига хос ўрни ва ҳиссаси бор.

Умуман олганда, Ибн Халликоннинг «Вафайāt ал-а‘йāн» асари Шар³ хал³лари, хусусан, Мовароуннаҳр ҳамда Хуросон олимлари, мазкур ўлкалар илм-фани ва маданияти тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ундаги маълумотларни кенг илм аҳли диққатига ҳавола қилиш эса бой илмий меросимизнинг ҳали ўрганилмаган жиҳатларини тадқиқ этишда қўйилган бир қадамдир.

Диссертация мавзуси бўйича қуйидаги ишлар эълон қилинди:

1. Яминов А. Ибн Халликон, унинг «Вафайат ал-аъйан» асари ва ундаги хуросонлик мутакаллимлар // Шарқшунослик. – Тошкент, 2000. – № 10. – Б. 65-75.

2. Яминов А. Ибн Халликоннинг «Вафайат ал-аъйан» асарида хуросонлик тилшунослар // Шар³шунослик. – Тошкент, 2002. – № 11. – Б. 40-45.

3. Яминов А. Қаффол аш-Шоший ўрта аср араб манбаларида // Шарқшунослик. – Тошкент, 2004. – № 12. – Б. 76-82.

4. Яминов А. «Вафайат ал-аъйан»га хос айрим жиҳатлар // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2007. – № 1. – Б. 39-41.

5. Яминов А. Ибн Халликоннинг «Вафайат ал-аъйан» асарида Шош олимлари // «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси». – Тошкент, 2007. – Б. 232-234.

6. Яминов А. Ибн Халликоннинг «Вафайат ал-аъйан» асарида хуросонлик муфассирлар // Шарқшунослик. – Тошкент, 2008. № 13. – Б. 89-97.

Тарих фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Яминов Абдужаббор Абдусаттаровичнинг 07.00.08 – Тарихий манбашунослик ихтисослиги бўйича «Ибн Халликоннинг «Вафайāt ал-а‘йāн» асарида мовароуннаҳрлик ва хуросонлик олимлар» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: Ибн Халликон, «Вафайāt ал-а‘йāн», ўрта аср араб манбалари, манбашунослик, Мовароуннаҳр, Хуросон, тилшунослик, фикҳ, ҳадис, тафсир.

Тадқиқот объектлари: Ибн Халликоннинг «Вафайāt ал-а‘йāн» асари, VIII – XIII асрларда яшаб ижод этган мовароуннаҳрлик ва хуросонлик олимлар.

Ишнинг мақсади: Ибн Халликоннинг «Вафайāt ал-а‘йāн» асарини манбашунослик жиҳатидан ўрганиб, ундаги мовароуннаҳрлик ва хуросонлик олимларга оид маълумотларни тадқиқ қилиш, асарнинг ишончлилиги даражасини ҳамда шу даврга оид бошқа манбалар орасидаги ўрнини аниқлаш.

Тадқиқот методлари: тарихийлик, қиёсий таҳлил.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Ибн Халликоннинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар аниқлаштирилди ҳамда тўлдирилди, «Вафайāt ал-а‘йāн»нинг умумий мазмуни очиқ берилди ва манбашунослик жиҳатдан ўрганилди. Асардаги 72 нафар Мовароуннаҳр ва Хуросондан етишиб чиққан олимларнинг ҳаёти ва фаолиятлари тадқиқ қилинди.

Амалий аҳамияти: Диссертация материалларидан манбашунослик ҳамда Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг илмий меросига бағишланган тадқиқотларда, шунингдек, фанлар тарихи бўйича ўқув-услубий қўлланмалар, маърузалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Иш мавзуи бўйича 6 та мақола нашр этилган.

Қўлланиш соҳаси: Диссертация материаллари олий ўқув юртлари талабалари учун манбашунослик ҳамда фан тарихи бўйича қўлланмалар яратиш ва махсус курслар ўқишда жалб этилиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Яминова Абдужаббара Абдусаттаровича на тему «Учёные Мавераннахра и Хорасана в сочинении «Вафайāt ал-а‘йāн» Ибн Халликана» на соискание ученой степени кандидата исторических наук по специальности 07.00.08 – Историческое источниковедение

Ключевые слова: Ибн Халликан, «Вафайāt ал-а‘йāн», средневековые арабские источники, источниковедение, Мавераннахр, Хорасан, фикх, хадис, тафсир.

Объекты исследования: Сочинение «Вафайāt ал-а‘йāн» Ибн Халликана, учёные Мавераннахра и Хорасана VIII – XIII веков.

Цель работы: Осуществить источниковедческое исследование «Вафайāt ал-а‘йāн» Ибн Халликана, изучить сведения об учёных Мавераннахра и Хорасана, содержащиеся в нём, определить степень достоверности источника и оценить его место среди других источников данного периода.

Методы исследования: исторический, сравнительно-сопоставительный анализ.

Полученные результаты и их новизна: Уточнены и дополнены данные о жизни и деятельности Ибн Халликана, проведён источниковедческий анализ «Вафайāt ал-а‘йāн». Изучены сведения о жизни и деятельности 72 учёных Мавераннахра и Хорасана, содержащихся в сочинении.

Практическая значимость: Материалы диссертации могут быть использованы в исследованиях, посвящённых источниковедению и научному наследию учёных Мавераннахра и Хорасана, а также в составлении учебно-методических пособий и лекций по истории науки.

Степень внедрения и экономическая эффективность: По теме диссертации опубликовано 6 статей.

Область применения: Материалы исследования можно привлечь к составлению учебных пособий для студентов высших учебных заведений и использовать для чтения спецкурсов по истории науки и источниковедению.

RESUME

Thesis of Yaminov Abdujabbor Abdusattarovich on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in historical speciality 07.00.08 – Historical source study on subject «The scholars from Mavarannahr and Khurasan in «Wafayāt al-a‘iyān» of Ibn Khallikan»

Key words: Ibn Khallikan, «Wafayāt al-a‘iyān», the medieval arabic sources, source study, Mavarannahr, Khurasan, islamic law, hadis, commentary of Koran.

Subjects of research: Work of Ibn Khallikan «Wafayāt al-a‘iyān», the scholars from Mavarannahr and Khurasan VIII – XIII centuries.

Purpose of work: To carry out a source study, study the informations about the scholars from Mavarannahr and Khurasan in «Wafayāt al-a‘iyān» of Ibn Khallikan», to determine the relianse of the source and to estimate its place among of other sources of the same period.

Methods of research: historical, realistic, comparative analysis.

The results obtained and their novelty: There were obtained and supplemented more specific informations about the life and work of Ibn Khallikan, carried out the source study analisis of «Wafayāt al-a‘iyān». The informations about the life and work of 72 scholars from Mavarannahr and Khurasan have been studied.

Practical value: Materials of this thesis can be used in the research works dedicated to the critical analysis of source and scientific legasy of scholars from Mavarannahr and Khurasan, as well in composing educational-methodical text-books and lectures on the history of sciences.

Degree of embed and economic effectivity: 6 articles have been published on the subject of the thesis.

Field of application: Materials of this thesis can be used in composing of text books for the students of universities and also for spesial courses on the history of sciences and the source study.

ТАДҚИҚОТЧИ



А.А.ЯМИНОВ